Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 89 (21. 208) 1992 йил 6 май, чоршанба

БАҲОСИ 1 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САВДО ВАЗИРЛИГИНИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК «САВДО» («ЎЗБЕКСАВДО») УЮШМАСИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига савдо хизматини ташкил қилишни тубдан яхшилаш, республика истеъмол бозорини халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш, савдо соҳасида бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, барча мулкчилик шаклидаги савдо корхоналари билан ташкилотларининг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Савдо вазирлиги Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» («Ўзбексавдо») уюшмасига айлантирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбексавдо» юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган, ўз фаолиятини тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи бошқариш қоидалари асосида амалга оширадиган, савдо соҳасидаги давлат, ижара, жамоа, оилавий, хусусий ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотларни шартнома асосида бирлаштирадиган хўжалик уюшмасидир.

2. Вилоятлар савдо ва умумий овқатланиш бошқармаларининг, Тошкент шаҳар ҳокимияти савдо, умумий овқатланиш бош бошқармаларининг негизида ҳудудий савдо—ишлаб чиқариш концернлари ташкил қилинсин.

Шу нарса белгилаб қўйилсинки, ҳудудий савдо ишлаб чиқариш концернлари ўз фаолиятида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳисобот берадилар ҳамда «Ўзбексавдо» уюшмасининг муассислари ҳуқуқи билан унинг таркибига кирадилар.

Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» уюшмаси бир ой муддат ичида ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш концерни тўғрисидаги намунали низомни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқлаши учун тақдим этсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ республика давлат улгуржи савдо идоралари ва улгуржи-чакана савдо бирлашмаларини; вилоятлардаги улгуржи базаларни, савдо бошқармаларини, умумий овқатланиш трестларини ҳамда бошқа катта савдо корхоналари ва ташкилотларини акционерлик жамиятлари ва бирлашмаларига айлантириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

4. Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлигининг ҳуқуқий вориси деб ҳисоблансин ҳамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:

истеъмол бозоридаги ҳолатнинг ўзгаришларини ҳисобга олиб аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш ва унинг истиқболини аниқлаш, бозор муносабатларига доир тадқиқотларни ўтказиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга фаол таъсир кўрсатиш ва шу асосда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда савдо хизмати даражасини юксалтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

савдо соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш, савдо уйларини, тижорат-воситачилик ва чет эл валютаси билан савдо қилинадиган дўконлар тармоғини барпо этишда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар билан ўзаро манфаатли бевосита хўжалик алоқаларини ўрнатишда кўмаклашиш, товарларнинг улгуржи савдоси бўйича республика ва вилоятлараро ярмаркаларни ўтказиш, товар биржалари билан ҳамкорликни таъминлаш;

савдо акционерлик бирлашмалари ва жамиятларининг, ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш концернларининг, барча мулкчилик шаклидаги бошқа савдо корхоналари ва ташкилотларининг фаолиятини, шунингдек савдо тармоқларига эга бўлган вазирликлар, идоралар, уюшмалар, жамиятлар ва концернларнинг савдо соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

тармоқда ягона техникавий сиёсатни ўтказиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари тармоқларини қайта қуриш ҳамда техника билан жиҳозлашга кўмаклашиш, замонавий савдо-технология ускуналарини, товарларни сақлаш ва сотишнинг илғор технологиясини жорий этиш, савдони ташкил қилиш ва савдо техникаси соҳасида ватанимиздаги ҳамда чет эллардаги тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш.

5. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» уюшмасининг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 май

УЮШҚОҚЛИК ВА САФАРБАРЛИК

● ҚАШҚАДАРЁ

Кейинги пайтда узлуксиз бўлаётган ёғингарчилик Қашқадарё бободеҳқонларига ҳам ташвиш келтирди. Жала ва ёмғир натижасида каттагина пайкаллардаги ниҳолларни қатқалоқ босди. Лойгарчилик, ердаги кучли намлик очиғини айтганда кўпгина жойларда чигит экишни пайсалга соляпти.

Қўриқ Нишон райони хўжаликларида ҳам айрим майдонларга қайта чигит экишга тўғри келди.

— Мавжуд 70 гектар майдонимизнинг анча қисми табиий офатдан зарарланган эди, — дейди райондаги «Туркманистон» совхози бригада бошлиғи З. Ашуров. — Шундан 20 гектарини бузиб чигит экдик. Энди қатқалоқ босган майдонларни борона билан юмшатиб аммофос билан озиқлантирямиз. Бу яхши самара беряпти. Вилоятда қатқалоқнинг олди олиняпти.

Бу борада Қарши районидаги «Ленин йўли», Муборак районидаги «Хитой», Ульянов районидаги А. Навоий номли совхозларда ибратли иш қилинаётир.

— Апрель ойи охирида рўй берган ёғингарчилик 24 минг гектар пахта, 2 минг гектар ғалла ва минг гектар сабзавот майдонларига жиддий зарар етказганди, — дейди вилоят деҳқончиликсаноат уюшмаси раисининг биринчи муовини Б. Муродов. — Аҳволни ўнглаш учун деҳқонларимиз сафарбарлик билан меҳнат қиляптилар. Баҳорги юмушлар оби-тобида бажарилянти. Ташкилотчилик ва уюшқоқлик билан иш олиб борилаётган жойларда ниҳоллар бўғзигача юмшатиляпти. Қайта чигит экиш кечиктирилмаяпти.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● БУХОРО

Табиий офат оқибатларини бартараф қилиш мақсадида ишчи комиссияси тинимсиз иш олиб бормоқда.

— Кўрилган моддий зарарни аниқлаш ва аҳволни зудлик билан тузатиш тадбирларини кўриш мақсадида учта мутасадди гуруҳ туздик, — дейди биз билан суҳбатда комиссия раиси, вилоят ҳокимининг муовини Х. Эргашев. — Биринчи гуруҳ кўрилган зарарни аниқлаш ва хўжаликларга моддий-техникавий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланса, иккинчи гуруҳ биринчи навбатда қайта экиш зарурати туғилган майдонларни аниқлайди, учинчиси эса хўжаликлар кўрган иқтисодий зарарга яраша молиявий ёрдамни ташкил қилиш билан машғул бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бу ишлар вилоят ҳокимияти ва жойлардаги маъмурлардан катта масъулият талаб қилади. Бироқ, экиннинг тақдири деҳқон қўлида. Саросимага тушмай, тушкунликка берилмай ғайрат билан ишлаб, ҳар қандай қийинчиликни мардонавор енгиш мумкин. Бухоро, Вобкент, Когон, Жондор, Қоракўл, Ромитан, Шофиркон, Ғиждувон районларида умумхалқ сафарбарлиги эълон қилинган.

Когон райони далаларида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Анча бўлдики, бу ерда ёппасига оилавий пудратга ўтилган. Ҳеч кимни далага чиқишга ундаш йўқ. Ҳамма масъулиятни чуқур ҳис этади.

Ҳа, бухоролик деҳқон азалдан ҳар қандай табиий шароитларда ҳам экинни асраб қолган. У ўзига хос шижоат билан бу галги синовлардан ҳам шараф билан ўтишига шубҳа йўқ.

Н. НАЙМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. Х. ЙЎЛДОШЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил самарали ишлаганлиги, пахтачиликка оид фанни ривожлантиришда ва илмий кадрларни тайёрлашдаги хизматлари, жамоат турмушидаги фаол иштироки учун «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош илмий ходими Ўртоқ Садритдин Хўжаевич Йўлдошев Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 май.

ЎЗБЕК ЙИГИТЛАРИ ВАТАНДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Қорақалпоғистон Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимларининг мудофаа ишлари бошқармаси бошлиқлари ҳамда ҳарбий хизматга чақирув комиссиялари раисларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов олиб борди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 апрелдаги Ўзбекистон фуқароларини ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш тадбирлари муҳокама қилинди.

Фарзандларни ҳарбий хизматга чақириш тўғрисидаги масаланинг муҳим бир жиҳатига аҳамият беришлари зарур. Чақирув ёшидаги йигитларимиз Ўзбекистон ҳудудида хизмат бурчларини ўташга киришганларидан сўнг танлов асосида, лозим топилганда, ҳарбий хизмат юзасидан зарур бўлган ихтисосликлар бўйича (республикамизда ҳозирча уларни тайёрлаш шарт-шароитлари бўлмаганлиги учун) тегишли малака орттириш мақсадида икки-уч ойга, узоғи билан олти ойга Қозоғистон, Туркманистон каби бошқа республикалардаги махсус ҳарбий мактабларда тайёргарлик муддатини ўтаб қайтадилар. Аксарият йигитларимиз ҳарбий хизматни ўз ватанида — Ўзбекистонда ўтайдилар.

Бундан ташқари агар ҳарбий хизматга чақирилувчилар албатта ота-оналарининг ёзма рухсатлари билан бошқа жумҳуриятларда хизмат қилиш истагини билдирсалар, уларнинг хоҳишлари қондирилади. Бу ҳолда ҳарбий хизмат Ўзбекистон Қуролли Кучларининг қатъий назорати остида амалга оширилади ва Ўзбекистон фуқаролари манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинади.

Тўпланганлар ҳузурида Ўзбекистон Президенти девонининг бош кенгашниси Б. Э. Қосимов маъруза қилди.

У. МИРЗАЁРОВ,
ЎзА мухбири.

ХРОНИКА

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуан ишонч ёрлиқларини тошширажаги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов 5 май куни уни қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЕСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

МИНГБУЛОҚ ШИЖОАТКОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНАДИ

● Сиёсий Ижроия Қўмитада Мингбулоқ нефть конининг сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга моликлиги таъкидланди.

Унинг топилиши ва жиловланиши юзасидан олиб борилган ишларнинг муваффақиятли якунланганлиги минглаб кишилар: геологлар, нефтчилар, қурувчилар, транспортчилар, илмий муассасалар ва лойиҳаловчилар жамоалари шижоаткорона меҳнатининг самараси эканлиги алоҳида қайд этилди. Зеро, иқтисодий танглик шароитида республика аҳлини беҳад қувонтирган «қора олтин»нинг шиддати уни жиловлаш борасида катта қийинчиликларни ҳам туғдирди.

Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларидан, жумҳуриятимизнинг бошқа музофотларидан кўплаб турли меҳнат жамоалари енг шимариб нефтчиларга кўмакка келишди. Нефть булоғини жиловлашга республикамизнинг мутахассислари билан бир қаторда уларнинг грозныйлик ва москвалик ҳамкасблари ҳам улуш қўшдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Мингбулоқ нефть конини топиш ва уни жиловлаш ишларида қатнашган барча кишиларга миннатдорчилик билдиради. Марказий Кенгаш Халқ демократик партиясининг Мингбулоқда энг ғайрат-шижоат кўрсатган аъзоларини қимматбаҳо совғалар билан мукофотлашга қарор қилди.

Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари партия ташкилотларига нефть конини фойдаланишга топшириш ва тайёр нефть маҳсулоти олишни тезлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишда ҳукумат комиссиясига кўмаклашиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматига Мингбулоқдаги нефть конини топиш ва уни жиловлашда фидокорлик, мардлик ва жасорат кўрсатган ишчилар ва мутахассислари давлат мукофотлари билан тақдирлаш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот маркази.

● Ўзбекистон—Туркия

Туркия ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда Фарғонага Туркия Республикасидан меҳмонлар келишди. Улар орасида Бурси шаҳар дорилфунунининг тайёрлов курси бўлим мудири Муҳаммад Али Яйиқчи билан «Нисон» тўқимачилик фирмасининг бош директори Мустафо Бей Гуларюз бор эди. Уларнинг асосий мақсади Фарғонада қобилиятли ўғил болалар учун лицей-коллеж таълим масканини очишдан иборат эди. Турк ишбилармонлари мазкур билимгоҳни ҳар жиҳатдан жиҳозлаб бериш ниятида. Дўстларимиз болаларга физика, математика, биология ҳамда инглиз тили бўйича таълим берадилар.

ТАЪЛИМ МАСКАНИ

Суратда: (чапдан ўнга) вилоят ҳалқ таълими бўлими мудири Турсунали Қурбонов, Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти олими Холйигит Санақулов, республика Халқ таълими министрлиги ходими Хайдарали Расулов ва туркиялик Муҳаммад Али Яйиқчи ва «Гулистон» колхозининг раиси Мусажон Шербўтаев.

Суратқаш: Ш. АЛИМОВ (ЎзА)

МУҚАДДАС ҲАЖ АРАФАСИДА

●Ҳажга сафар қилишга эътибор жумҳуриятимизда йилдан-йилга кучайиб бораётганини қуйидаги рақамлар аниқ тасдиқлайди:

Ўзбекистондан ҳажга 1989 йили борган кишилар сони 10 кишини ҳам ташкил этмаган бўлса, 1990 йил бу рақам 355 ға, 1991 йил эса 1200 га етди. Ҳозирги ҳали узил-кесил бўлмаган маълумотларга қараганда, бу йил ҳажга бултургига қараганда анча кўп ҳамюртларимиз бориб келадилар. Худо хоҳласа, зиёратчилар йилдан-йилга ошиб бораверади. Асосий гап имкониятлардадир.

Бу йилги ҳажга тайёргарлик, ҳажга бориш тартиб-қоидалари хусусида Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги мухбири Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Баҳтиёр НАЗАРОВга мурожаат этди. Унинг жавоблари қуйида жамланган ҳолда эълон қилинмоқда:

Ҳажга бориш билан алоқадор бўлган бир қатор масалалар устида алоҳида тўхтаб ўтишга тўғри келади. Чунки бу ҳозир жумҳуриятимиздаги минг-минглаб диндорлар, ота-оналар, қариндош-уруғларнинг диққат марказида турибди.

Авваломбор шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бу иш тўлиғича Моароуннаҳр диний идораси тасарруфидадир. Бу ишга ҳукумат ҳам, давлат ҳам аралашаётгани йўқ. Тўғри, ҳукумат самолётларни ташкил этишда, пул алмаштиришда, ҳужжатларни тайёрлашда, божхона ишларида тегишли ёрдам кўрсатиши шубҳасиз ва бу ишларда қўлидан келган барча ёрдамини аямайди.

Давлат ҳаж ишларига аралашмайди ва аралашаётгани йўқ, дер эканмиз, биз бу улуғ ва муқаддас сафарга қанча киши боради, кимлар боради, нима учун у киши эмас, бу киши боради, бу киши борсин-у, униси бормасин, деган ишларга мутлақо аралашмаслигини назарда тутамиз.

Бу ишларнинг барчаси, яна қайтарамиз, Моароуннаҳр диний идораси тасарруфидаги ишлардир.

Шунинг учун биз яна бир бор таъкидлаймизки, давлатнинг бирор бир ташкилоти ҳаж масаласида **тазйиқ** ўтказмаслиги, **тўсқинлик** қилмаслиги керак. Аксинча, мавжуд Қонун доирасида ўз зиммасидаги **бурчни** бажариши зарур. Ҳаж масаласидаги ҳар қандай тўсиқ, ҳар қандай тазйиқ давлат томонидан **манъ** қилинади. Бунга барча вилоятлардаги ҳокимлар, ҳокимларнинг дин масаласи билан шуғулланувчи муовинлари эътибор беришлари керак.

Агар қонунда белгиланган йўл-йўриқдан чиқиб, кимда-ким бу ишларга тўсқинлик қилгудек бўлса, қонун олдида тегишли жавоб бериши лозим бўлади.

Бизда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Қонун бор. Уни ҳаммамиз яхши биламиз. Билмаганларимизни эса чуқурроқ билиб олишга ҳаракат қилишимиз керак. Айниқса, шу кунларда бу Қонунни чуқурроқ ўрганиб, унга қатъий амал қилишимиз зарур. Ҳукумат идоралари, матбуот ходимлари томонидан бу Қонунни шунчаки билишнинг ўзи озлик қилади. Унга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз керак. Токи, бутун эл-юрт буни ўз кўзи билан кўрсин, юраги билан ҳис этсин, меҳри билан англасин. Виждон эркинлиги ва динга бундай муносабат шунчаки хўжакўрсинга эмас, балки замирида катта сиёсий моҳият жо этилган вазифадир. Чунки бу Қонунга кенг миқёсдаги ҳурмат ва эътибор халқ ва давлат ўртасидаги ўзаро меҳр ва оқибатларни мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Зотан, дин ва виждон эркинлиги масалаларига жумҳуриятимизда сўнгги йилларда нечоғлик катта эътибор берилаётганлигини ҳар биримиз кўриб турибмиз. Ийд ва Қурбон ҳайитлари Президентнинг махсус Фармони билан дам олиш куни сифатида белгиланиб, халқ байрами тарзида нишонланадиган бўлди.

Бу йил тарихда илк бор Маккаи мукаррамадан Ийд байрами ерининг сунъий йўлдоши орқали телевиденимизда тўғридан-тўғри кўрсатилди.

Улуғ пайғамбаримиз ҳақидаги фильм бир неча марта телевидениеда кўрсатилди.

Қуръони карим ўзбек тилида чоп этилди, ҳадисларнинг бир неча нашри босмадан чиқди.

Моароуннаҳр мусулмонлари қурултойининг иши юқори савияда ўтди.

Яқиндагина бўлиб ўтган воқеани сизга яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Жумҳурият Президенти Саудия Арабистони подшоҳининг шахсий меҳмони сифатида қабул қилинди. Ўзбекистон шарафига Каъбатуллоҳнинг олтин эшиги очилганидан жаҳон аҳли тегишли хулоса чиқариб олади, деб умид қиламиз. Каъбапўш-кисванинг бир қисми шахсан Президентимизга Саудия Арабистони подшоҳи томонидан совға қилиниши эса юртимиз, элимизга билдирилган ҳурмат даражаси нечоғлик бўлганини яна бир бор кўрсатади.

Саудия Арабистони билан жумҳуриятимиз ўртасида самимий, дўстона алоқалар ўрнатилгани катта воқеадир. Саудия билан Ўзбекистон ўртасида доимий ҳаво йўли ўрнатилганлигининг аҳамияти ҳам беқиёсдир. Савдо-сотиқ, дипломатик алоқалар, қариндош-уруғларнинг дийдорлашувидан ташқари бу ҳаво йўли кўпдан-кўп фуқароларимиз учун йил давомидаги умра дарвозаларини очиб беради.

Яқин вақтлар ичида очилажак Саудиядаги элчихонамиз эса бу борадаги ишларимизни янада яхшилайди.

Бу йўналишдаги алоқаларимизнинг дастлабки натижалари ҳам кўрина бошлади. «Барака» банки раҳбарияти жумҳуриятимизда Ислом маркази биноси, масжид ва мадрасалар қурилишига ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, шу кунларда турли жойларда пайдо бўлаётган ҳаж сафарига гўёки ҳукумат томонидан қандайдир тўсқинликлар бўляпти, деган миш-мишлар мутлақо асоссиздир.

Юқорида айтганимиздек, яна бир бор таъкидлаймиз, ҳаж сафари ҳақидаги масала, ҳажга ким ва неча киши бориши ҳақидаги масала Моароуннаҳр диний идораси тасарруфидадир.

Авваломбор, маълумки, ҳажга юрак-юрагидан яратганга садоқатли одамлар бориши керак. Бундай кишилар кимлар эканини жойлардаги масжидлардан бошқа, улар билан мустаҳкам алоқа юритувчи, уларни бошқарувчи Моароуннаҳр диний идорасидан бўлак яна ким ҳам билиши мумкин.

Бироқ, шуни ҳам айтиш зарурки, бу масалада ҳам барча имкониятлар чексизчегарасиз эмас, албатта. Бу, энг аввало, ҳаво йўлларимиз имкониятлари, қабул қилиб олувчи томоннинг имкониятлари билан боғлиқ.

Аммо, шундан келиб чиқиб, кимлар ҳажга бориши кераклигини ҳам, қанча киши бориши кераклигини ҳам ҳукумат эмас, Моароуннаҳр диний идорасининг ўзи белгилаши лозим бўлади.

Ҳукумат ҳеч қайси бир вилоятга, ҳеч қайси бир шаҳарга одамлар сонини белгилагани йўқ, белгиламайди ҳам. Бу иш тўлиқ Моароуннаҳр диний идораси ихтиёрига бериб қўйилган.

Буни муҳтарам дин аҳлимиз билмоқлари лозим бўлади: ҳукумат ҳеч қандай рўйхат талаб қилгани йўқ, талаб қилмайди ҳам. Фақат ҳужжатлар тегишли қонун асосида расмийлаштирилади, холос.

Нима учун биз ҳатто рўйхатни ҳам олмаймиз?

Бу шунинг учунки, агар бундай қилингудек бўлса, ҳукумат ҳаж қилувчиларни назоратга олгандай бўлиб қолади, бундай қилиш эса, мумкин эмас. Буни ҳукумат идоралари яхши тушуниши лозим.

Хўш, унда кимлар боради ҳажга ва танлов нима асосида ўтказилади?

Буни ҳам диний идора ҳал қилади.

Масалан, тушунмовчиликларга йўл қўймаслик учун, ҳамма нарса ошкоралик асосида ҳал бўлиши учун Моароуннаҳр диний идорасининг раҳбарлиги остида жойларда ва ном-хатиблар, эл-юртда катта ҳурматга эга кишилар ва дин пешволаридан иборат комиссиялар тузилиши мумкин.

Муҳим масалалардан яна бири шуки, дейлик, бу комиссия ҳажга борувчиларнинг бошини қовуштириб, ҳаж сафарининг қонун-қондалари, урф-одатлари ва удумлари билан яқиндан таништириши ҳам мумкин. Бу ишни бир жойга минглаб кишини тўплагандан кўра, жой-жойларда амалга оширилса, эҳтимол, ҳаж қилиш тартиблари билан янада чуқурроқ таништириш имконияти бўлади.

Яна бир масала, эҳтимол, шу комиссия раҳбарларидан иборат кичик гуруҳга аэропорт ва меҳмонхона, озиқ-овқат таъминоти масалаларини батафсил ўрганиш учун Қурбон ҳайитгача Саудия Арабистонига бир бориб келиш зарурати туғилар. Агар шундай бўлса, марҳамат, бу гуруҳ бориб келсин, ҳукумат уларнинг бу сафари молия харажатларини тўлиқ кўтариши, ёрдам бериши мумкин.

Агар ўтган йилларда ҳаж сафарида айрим етишмовчиликлар, қийинчиликлар учраган бўлса, бу гуруҳ вакилларининг барвақт у ерга бориб, аҳволни ўрганиб келиши илгариги етишмовчиликларнинг олдини олиш имконини беради.

Зотан, аввалги йилларга қараганда, бу йилдан эътиборан Саудия Арабистони бизга янада яқинроқ ва янада қадрдонроқ бўлиб қолди. Икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви дўстлигимизни янада мустаҳкамлади.

Аввал таъкидлаганимиздек, кичик гуруҳнинг ҳам, умумман ҳаж қилувчиларнинг ҳам яхшироқ кутиб олинишини, тегишли имкониятлар яратиб беришни илтимос қилиб, Саудия Арабистони раҳбариятига жумҳуриятимиз раҳбарияти расман мурожаат этиши, ўйлаймизки, муҳтарам ҳожиларимизга кўрсатиладиган навбатдаги иззат-икром ва ҳурмат бўлур эди.

Биз мана шу гапларнинг ҳаммасини элу юртга маълум қилишимиз керак. Токи, ҳаж сафари хусусида ўринсиз миш-мишларга йўл қўйилмасин. Токи, бу масалада жумҳуриятимиз ҳукумати ва раҳбариятининг собит йўли борлиги маълум бўлсин. Бу йўлнинг асосини умумий лаштириб айтсак, қуйидагилар ташкил этади: Марказда ҳукумат, жойларда вилоят ҳокимлари диндорларнинг ички ишларига аралашмасликлари керак; дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги Қонунга қатъий амал қилинади; шу Қонун доирасида имкони борича диндорларимизга ёрдам берилиши зарур.

Ҳаж сафаридек муқаддас ишга бизнинг ҳозирги муносабатимиз, қисқача айтганда, шулардан иборат.

Яратганимиздан ҳар бир мўмин-мусулмонга бу муқаддас сафар насиб этишини тилаймиз.

• ХДП: СИЁСИЙ ПАРТИЯ НУФУЗИ

● Аввало, вилоят кенгашининг биринчи котиби А. М. Азимовнинг асосли танқид ва ўз-ўзини танқид руҳидаги «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вилоят партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги маърузаси қизғин мунозарага сабаб бўлганлигини таъкидлаш даркор. Нотиқ ўз нутқининг бошланишидаёқ жумҳурият Президенти И. Каримовнинг «Ҳар бир сиёсий партиянинг кучи—унинг ғоясида. Кўп партиялилик тизимида кимнинг ғояси ўткир, халқчил ва инсонпарвар бўлса, ўша сиёсий партия ғалаба қозонади», деган сўзларини келтирди. Бу ғояларни тарғиб этишгина қолмай, уни ҳаётга тадбиқ қилишда қонун ва Низомда белгиланган қоидалар асосида курашиш лозимлиги таъкидланди.

Бироқ, тан олиш керакки, бугунги кунда кўпгина партия ташкилотларида, меҳнат жамоалари раҳбариятларида амалий фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилмаган. Сабаби — парламент услубида ишлайдиган сиёсий партия ўз фаолиятини сайловдан сайловгача фақат муайян депутатлар, партия гуруҳи орқали юритиш билангина чекланиб қолади, деган фикр жамоатчилик онгига сингдириб келинмоқда ва бу йўл билан партия ташкилотларини асосий вазифалардан, иқтисодий-ижтимоий масалаларда иштирок этишдан четлатишга ҳаракат қилинмоқда.

Бу нотўғри фикрдан тезроқ халос бўлиш керак. Зеро И. А. Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон ХДП — Президент партиясидир. Президент сиёсати—партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширадиган сиёсатдир. Шундай экан, партия сиёсатини, Президент фармонларини амалга оширишда талабчанлик ва собитқадамлик, ижро интизомини мустаҳкамлаш зиммадаги асосий вазифадир. Бу ўринда гап бошқарув ва хўжалик тақсимотига бевосита аралашадиган назорат ҳақида кетаётгани йўқ, албатта.

Кўпгина хўжалик ва ташкилотларда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ Республика Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини таъминлашда ташкилот раҳбарларининг, мутасадди мутахассисларнинг маҳорат ва талабчанлиги сезилмаётир. Жумладан, Арнасой районидаги Конев номли, Ғаллаороллдаги «Музбулоқ», Зарбдор районининг Йўлдош Қурбонов номли хўжаликларида мактаб ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш, аҳолига товон пули тўлашда сансолорлик ҳолларига йўл қўйилди. Аммо бу нуқсонлар учун жавобгар шахслар масъулияти тегишли партия ташкилотларида кўриб чиқилмаган.

Мирзачўл районидаги «Советская Россия» давлат хўжалиги устахонаси ишчиларига оддий шароитлар яратилмади. Айни иш қизиғдиган пайтда ҳатто иссиқ овқат ташкил этилмади. Миллионлаб фойда кўрган хўжаликнинг шахсий ҳисобида пули бўлмаганлиги оқибатида ишчилар 3 ойгача маош олиша олмаган. Раҳбарлар эса бундай ҳаётий муаммоларни зудлик билан ҳал этиш лозимлигини англаб етмаганлар.

Аҳоли худди шундай масалаларда ХДП район ва вилоят кенгашларига мурожаат этмоқда. Буни олқишлаш керак ва халқ ишончини қозониш учун ҳар бир ишни одилона, сидқидилдан бажариш лозим. Чунки, эндигина ўзини ўнглаб келаётган янги партияни атайлаб обрўсизлантириш, унинг жамиятда тутадиган ўрнини инкор этиш учун очиқ ҳаракат қилаётганлар ҳам йўқ эмас.

Яқинда автобусда кетаётиб қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ҳайдовчи навбатдаги бекатни «Обком» деб эълон қилганида эс-ҳушини таниганга ўхшаган кимса атайлаб ҳаммага эшиттириб, «Ие, ҳалиям обком борми? У нима билан шуғулланади?» деб қолди. Баъзан жамоат жойларида, давралардаги суҳбатлар чоғида ҳам шунга ўхшаш гапларни эшитиш мумкин. Ачинарлиси шундаки, бу каби сўзларни кўпроқ бир пайтлар компартия сафида бўлган кишилар айтмоқдалар. Бу билан улар ўша пайтда партияга амални кўзлаб кирганликларини ҳам яширмайдилар. ХДП аъзолари, фаоллари орасида ўшандай кимсаларга қарата «Ҳа, ҳозир Ўзбекистонда Халқ демократик партияси бор. У халқ манфаати учун курашади. Мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи, равнақи йўлида фаолият кўрсатади», деб баралла айтадиган кишилар кўпроқ бўлишини истардик.

Аксинча партиянинг айрим фаоллари билан суҳбатлашиб қолсангиз «ҳалиям эскича ишлаяпмиз» деб нолиб қолишади. Аввало, ХДП фаолиятидаги дастлабки ижодий қадамларни, муваффақиятларни ҳеч ким инкор этолмайди. Қолаверса, жойлардаги партия ташкилотлари ишини такомиллаштириш худди ўша фаолларнинг вазифаси эмасми?

Ўзи аъзо бўлган сиёсий партиянинг келажагига, жамиятда тутган ўрнига шубҳа, ишончсизлик билан қарайдигаан фаоллардан, кимсалардан воз кечмоқ керак.

Пленумда сўзга чиққан нотиқлардан бири «Нега ХДП Марказий Кенгаши раҳбарияти, бошқа фаоллар матбуот ва телевидениеда деярли чиқиш қилмаяпти? «Эрк» демократик партияси вакиллари телевидениеда тез-тез чиқиб турибдику?» деганида ўтирганларнинг кўпчилиги ўз таажжубларини яширмадилар. Чунки улар ХДП Марказий Кенгаши аъзоларининг матбуот, радио ва телевидениеда турли мавзулардаги чиқишларидан хабардор эдилар. Аксинча, «Эрк» демократик партияси аъзоларининг бу борадаги «зангори экран» маъмуриятига эътирозларини ҳам улар эшитишганди. Демоқчимизки, партиянинг айрим фаоллари Ўзбекистон ХДП фаолияти ҳақида, жойларида олиб борилаётган партиявий ишлар тўғрисида кўп нарсаларни билмайдилар. Партиявий нашрларни, радио, телевидение орқали берилаётган эшиттиришларни мунтазам кузатиб боришмайди. Натижада кўча-кўйда эшитган гаплар ва ҳатто «миш-миш»лардан хулоса чиқаришга мажбурлар ҳам қўйилди. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳол сайловолди тадбирларини ўта пухта тайёргарлик билан ўтказиб, сайловга жиддий ҳозирлик кўришни тақозо этарди. Бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтирмай, сайлов якунлари бўйича ХДП район кенгаши биринчи котибининг энг кам—бор-йўғи 12,4 фоиз овоз олганлигини айтиш кифоя. Савол туғилади: ХДП район кенгашининг мавқеи, унинг биринчи котиби обрўи шу қадар пастми? Бизнингча бундай эмас. Гап бевосита мутасадди бўлган партия фаолларининг вазиятга тўғри баҳо беролмаганликларида. Сайлов жараёнига ўта лоқайд қаралганлигида. Асосий сабаблардан яна бири оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни эплай олмаганликларидадир. ХДП дан вилоят ноиблигига номзодни ташвиқот қилиш у ёқда турсин, ҳеч бўлмаганда унинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастурини халққа етказишда ҳатто вилоят кенгашининг хабарномаси —«Истиқбол сари»дан ҳам фойдаланилмаганлиги таажжубланарли. Бошқа районда ўтказилган сайловда эса ХДПдан номзоди кўрсатилиши кўзда тутилган котибнинг ўзи бунга ҳатто «журъат этмади».

Кўриниб турибдики, партия фаолиятини такомиллаштириш ҳали суст. Унинг ташкилотчилигида, депутатлар бевосита парламент билан ишлайдиган нуқталарда тажриба, жанговарлик етишмаяпти. Партиянинг халқчил, инсонпарвар ғоясини ҳар бир хонадонга, ҳар бир кишига сингдиришга лоқайд қаралмоқда. Ачинарлиси шундаки, халқ билан апоқ-чапоқ бўлиб юриш ўрнига партия фаоллари орасида ўзини зўрмазўраки жиддий иш билан банд қилиб кўрсатишга уриниш, партия ходимини расмий шахс деб қарашларига интилиш қайфияти мавжуд.

Пленумда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов алоҳида таъкидлаганидек, халққа талпинган, унинг оғир-енгилидан доимо хабар олиб турган сиёсий партиягина ҳақиқий халқ партияси бўлаолади. Ғоямизнинг халқчил, дастуримизнинг ўта инсонпарвар эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ ХАЛҚЧИЛЛИГИГА ШУБҲА ҚОЛМАСИН

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ II ПЛЕНУМИДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЪЗОЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон ХДП аъзолари партия билети ва ҳисобот карточкаси асосида ҳисобга олинади. Улар партия ташкилотлари қарорларига асосан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг район, шаҳар кенгашларида, одатда, бир ой давомида расмийлаштирилади.

2. Партия ҳужжатларини расмийлаштириш, партия аъзоларини ҳисобга олиш район, шаҳар кенгашларининг ҳисобга олиш секторларида амалга оширилади. Бошланғич партия ташкилотларида бу иш партия ташкилотининг котиби, унинг ўринбосари ёки ижроия бюро аъзоларидан бирига топширилади.

3. Партия аъзоларини ҳисобга олиш ва партия ҳужжатларини расмийлаштиришни назорат қилиш, бу иш учун жавобгарлик, одатда, ички партиявий ишлар масалалари билан шуғулланувчи кенгаш котиби зиммасига юкланади.

II. БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

4. Ўзбекистон ХДП аъзолари бошланғич партия ташкилотларида партия аъзоларининг рўйхати бўйича ҳисобга олинади.

5. Янгидан келган партия аъзоларини бошланғич партия ташкилотининг котиби ёки унинг ўринбосари ҳисобга олади. Ҳисобга олиш вақтида Ўзбекистон ХДП аъзоси партия билети ва илгари ҳисобда турган партия ташкилоти томонидан берилган партия бадаллари тўланганлиги тўғрисидаги справкани тақдим қилади.

6. Партия аъзоларини ҳисобдан чиқариш, уларнинг илтимосига асосан ва ҳисобдан чиқиш сабаблари ҳамда қаерга кетаётганликлари аниқлангандан кейин амалга оширилади. Ҳисобдан чиқаётганларга партия бадаллари тўланганлиги ҳақида справка берилади.

Ҳисобдан чиққан ва ҳисобга олинган партия аъзолари тўғрисида мунтазам суратда партия йиғилишларида маълумот бериб турилади.

7. Партия аъзоларининг ҳисобот маълумотларидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида бошланғич партия ташкилоти котиблари, ижроия бюро аъзолари йилига бир марта улар билан суҳбат ўтказадилар.

III. ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОЛАРИНИ РАЙОН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДА ҲИСОБГА ОЛИШ

8. Район, шаҳар кенгашларида Ўзбекистон ХДП аъзолари ягона шаклдаги ҳисоб карточкалари асосида ҳисобга олинади.

Ҳисобни олиб бориш учун ёрдамчи ҳужжатлар сифатида алифбо тартибидаги карточкалар ва ишлатилмаган ҳамда ишлатилган партия билетлари бланкаларини қайд қилиш журналидан фойдаланилади.

9. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзосини ҳисобдан чиқариш, уни шахсий мурожаати ёки бошланғич партия ташкилотининг хабарномаси ҳамда партия бадаллари тўланганлиги тўғрисидаги справкасига асосан район, шаҳар кенгашлари томонидан амалга оширилади. Ҳисобдан чиқаётган партия аъзосининг ҳисоб карточкаси унинг қўлига берилади.

Ҳисобдан чиқариш партия аъзоси етиб келган район, шаҳар, кенгашининг сўровига асосан ҳам амалга оширилиши мумкин.

10. Ҳисобга олинаётган вақтда партия аъзоси ўзининг партия билетини, ҳисоб карточкаси, илгари ҳисобда турган бошланғич ташкилот томонидан берилган партия бадаллари тўланганлиги тўғрисидаги справкани тақдим қилади.

Ҳисобга олиш бошланғич ташкилотнинг хабари асосида ҳам амалга оширилиши мумкин, бундай ҳолларда бошланғич ташкилот ҳисоб секторига партия аъзосининг ҳисоб ҳужжатларини тақдим қилади.

Агар Ўзбекистон ХДП аъзоси янги жойга илгариги партия ташкилоти ҳисобидан чиқмасдан келган бўлса, район, шаҳар кенгаши партия аъзосининг шахсий мурожаати ёки ҳисобда турган бошланғич ташкилотнинг хабарига асосан унинг ҳисоб ҳужжатларини талаб қилиб олади.

11. Партия аъзосининг бир район, бир шаҳар чегарасида ташкилотдан ташкилотга ўтиши юқоридаги тартибда амалга оширилади.

12. Узоқ муддатли командировкага кетган партия аъзолари, одатда, партия ҳисобидан чиқарилмайди. Улар вақтинчалик яшаш ёки ишлаш жойларида Ўзбекистон ХДП ташкилотларида вақтинчалик ҳисобга туриб, уларнинг фаолиятида иштирок қилишлари мумкин. Бундай ҳолларда партия аъзолик бадаллари, улар доимо ҳисобда турган бошланғич ташкилотида тўланади.

13. Янги қабул қилинган Ўзбекистон ХДП аъзоларини ҳисобга олиш анкета-ариза асосида амалга оширилади. Партияга қабул қилинган партия аъзосига партия билети ёзиб берилади, ҳисоб карточкаси тўлдирилади. Партия ҳужжатларининг тўғри тўлдирилганлигини партия аъзоси ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Партия аъзоларига партия билетларини район, шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотларида уларнинг котиблари топширадилар.

Агар партия ҳужжатлари расмийлаштирилмаган партия аъзоси бошқа район, шаҳарга кўчиб кетган бўлса, уни партияга қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар таллуқли партия кенгашига юборилиши мумкин. Бундай ҳолларда партия аъзосини ҳисобга олиш, унга партия ҳужжатларини ёзиб топширгандан кейин амалга оширилади.

Партияга тиклаш муносабати билан партия ҳужжатларини ёзиб бериш юқорида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон ХДПга аъзоликни вақтинча тўхтатиб туриш тартиби

14. Ўзбекистон ХДП Низомига мувофиқ, партия аъзоси ўзининг партияга аъзолигини қуйидаги ҳолларда вақтинчалик тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга: агар эгаллаб турган лавозими қонун бўйича партияга аъзо бўлишни тақозо этмаса; агар узоқ вақтга Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетса ва борган жойида Ўзбекистон ХДПнинг ташкилий тузилмалари бўлмаса; бошқа объектив сабаблар бўлса.

Ўзбекистон ХДПга аъзоликни вақтинча тўхтатиш тўғрисидаги қарорни партия аъзосининг аризасига асосан бошланғич партия ташкилоти қабул қилади. Ушбу қарор район, шаҳар кенгашига етказилганидан кейин партия билетига тегишли белги қўйилади. Ўзбекистон ХДПга аъзоликни вақтинча тўхтатиб турган шахслар партия ҳисобидан чиқариладилар.

Ўзбекистон ХДПга аъзоликни давом қилдириш тўғрисидаги қарор ариза асосида тегишли белги қўйилган партия билети кўрсатилганидан кейин қабул қилинади ва район, шаҳар кенгашига етказилади. Партияга аъзолик тўхтатиб қўйилган вақт бошланғич ташкилотнинг қарори билан умумий партия стажига қўшилиши мумкин.

Ўзбекистон ХДПга аъзоликни тўхтатиш тартиби

15. Партия аъзоси партия Низоми талабларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари ва ҳулқ-атвори учун партиядан чиқарилса, партия ташкилоти билан алоқаси йўқотса, узрли сабабсиз партия аъзолик бадалларини тўламаса ва бошқа ҳолларда бошланғич ташкилотнинг қарорига биноан унинг Ўзбекистон ХДПга аъзолиги тўхтатилади.

Ўзбекистон ХДП Низомига мувофиқ партия аъзоси ўз хоҳиши билан партия сафидан чиқиши мумкин. Бунинг учун у тегишли бошланғич партия ташкилотига ариза билан мурожаат қилиши ёки бу ҳақда партия йиғилишида эълон қилиши керак. Партия аъзосининг ихтиёрий равишда партия сафидан чиқаётганлиги тўғрисидаги аризасини партия йиғилиши маълумот учун қабул қилади. Шундан кейин бошланғич партия ташкилоти тегишли район, шаҳар кенгашига ушбу партия аъзоси Ўзбекистон ХДПга аъзоликни тўхтатганлиги ҳақида маълумот беради.

Партияга аъзоликни тўхтатган шахслардан партия билетлари олиниб, район, шаҳар кенгашларининг ҳисоб секторларига топширилиши керак.

16. Партия ҳужжатлари йўқолган, яроқсиз ҳолга келган ҳолларда фамилия ёки исм, партия ҳужжатларида акс этган бошқа маълумотлар ўзгарган ва ҳужжатлардаги хатоларни тўғирлаш мақсадида партия сафига тиклашда ва бошқа ҳолларда янги партия ҳужжатларини ёзиб ёки алмаштириб бериш мумкин.

Янги партия ҳужжатларини ёзиш ёки алмашлаб бериш партия аъзосининг аризасига биноан, район, шаҳар кенгашлари котиблари билан келишилган ҳолда зарур бўлганда бошланғич ташкилотнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Партия сафларида қайта тикланганларга партия ҳужжатлари фақат шикоят аризасини кўриб чиққан органларнинг қарорларига асосан ёзиб берилади.

17. Партия ҳужжатларини бекор қилиш ва йўқ қилиб юбориш район, шаҳар кенгашларида амалга оширилади.

Ўзбекистон ХДП сафларидан чиқарилганларнинг ҳужжатлари ушбу қарор қабул қилинган вақтдан беш ой ўтгандан кейин йўқ қилиб юборилади.

Вафот этган партия аъзоларининг партия билетлари қариндошларининг илтимосига биноан уларга эсдалик учун қолдирилиши мумкин. Бундай ҳолда партия билетига «Эсдалик учун қолдирилган» деб ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон ХДПдан чиққанларни ва тўлдириш вақтида бузилган партия ҳужжатлари, ҳисобдан чиқмасдан кетиб қолганлар ва аъзоликни вақтинчалик тўхтатиб турганларнинг ҳисоб карточкалари йўқ қилиб юборилади.

Йўқ қилиб юбориладиган ҳужжатлар тўғрисида белгиланган шаклдаги акт тузилади.

Партия ҳужжатларининг бланкалари ҳисобини олиб бориш ва сақлаш тартиби

Партия ҳужжатларининг бланкаларини Марказий Кенгаш тайёрлайди ва район, шаҳар кенгашларига уларнинг ёзма талабномаларига асосан юборади. Партия ҳужжатлари бланкаларининг миқдори махсус журналларда қайд этилади ва қатъий ҳисобот бланкалари сифатида сақланади.

IV. ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОЛАРИНИ МАРКАЗИЙ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР, ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДА ҲИСОБГА ОЛИШ

18. Ўзбекистон ХДП аъзоларини Марказий, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларида ҳисобга олиш, Ўзбекистон ХДП район, шаҳар ташкилотларининг йилда бир марта тақдим қиладиган, келгуси йилнинг 1 январигабўлган статистик ҳисоботлари асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари район, шаҳар ташкилотларини, умумлаштирилган статистик ҳисоботларини Марказий Кенгашга келаси йилнинг 15 январигача тақдим қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси 1992 йил апрелида Саудия Арабистонига расмий ташриф буюрди. Ташриф давомида подшоҳ Фаҳд бин Абдул Азиз, ҳукумат аъзолари ҳамда Саудия Арабистони савдо-саноат доираларининг намояндалари билан икки томонлама муносабатлар ва ҳамкорлик истиқболлари масалалари юзасидан музокаралар бўлди. Ташриф якуни юзасидан Қўшма ахборот қабул қилинди.

Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл бошчилигидаги делегация апрель ойининг охирларида расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ўзбекистон — Туркия музокаралари натижасида молия, транспорт, алоқа, телекўрсатув ва радиоэшиттириш, қўшма ишбилармонлик соҳаларида ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни кучайтирувчи бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

28 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Туркия Республикасининг Бош вазири иштирокида Туркия элчихонаси очилди. Туркия дипломатия ваколатхонасига фавқулодда ва мухтор элчи Вулқон Чўтур бошчилик қилмоқда, у 25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентига ишонч ёрлиқларини топширди.

Шундай қилиб, 4 майгача Тошкентда Ҳиндистон, Монголия, АҚШ ва Туркия элчихоналари ишлай бошлади.

Апрель ойида Бельгия қироллигининг вориси шаҳзода Филипп, Мадагаскар элчиси С. Р. Рабе, Швеция элчиси К. О. Эрьян Бернер, папанинг Москвадаги вакили архиепископ Ф. Колусуонно, АҚШ конгрессининг делегацияси, Туркия Ташқи ишлар вазирлигининг делегацияси, ЮНЕСКО Бош директорининг шахсий вакили Л. Маркес, БМТ қочоқлар ишлари олий комиссарининг минтақа вакили Кларенс, «Халқаро афв этиш» ташкилотининг Бош котиби Я. Мартин ва бошқалар Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрдилар.

1992 йил 4 майга қадар 108 мамлакат Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида расмий равишда тан олди.

4 майга қадар Ўзбекистон 29 мамлакат: Австралия, Австрия, Бельгия, Венгрия, Вьетнам, Греция, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Испания, Италия, Хитой, КХДР, Корея Республикаси, Малайзия, Мексика, Монголия, Янги Зеландия, Уммон, Польша, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Финляндия, Франция, ГФР, Швеция, Япония билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолади.

Ташқи ишлар вазирлигида Бельгия, Буюк Британия, Греция, Ҳиндистон, Хитой, Қувайт, Покистон, АҚШ ва Туркиядан келган 46 мухбир қабул қилинди.

Апрель ойида Ўзбекистон Республикасининг 13 та давлат ва ҳукумат делегацияси ҳорижга — Покистонга, Саудия Арабистонига, АҚШга, Туркияга ва Швейцарияга борди.

Ўтган ойда ҳаммаси бўлиб расмий ва ҳукумат делегациялари таркибида 100 киши 13 мамлакатга борди.

Апрель ойида Ўзбекистондан турли вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари йўли билан 997 киши жаҳондаги 38 та мамлакатга борди.

Пахтакор районидаги А. Икромов номли давлат хўжалигининг Ўктам Норбеков бошлиқ звеноси аъзолари беда ўримига киришдилар. Улар 57 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 300 центнердан кўк озуқа йиғиштириб олиб, фермага жўнатишни мўлжаллашаётир.

СУРАТЛАРДА: 1. Звено бошлиғи Ўктам Норбеков илғор ишчи Эшонқул Омонов билан. 2. Комбайнчи Равшан Нурмаматов. 3. Беда ўрими пайти.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

МУБОРАКБОД

Ўзбекистон уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари уюшмасининг кенгашида У. Ё. Иброҳимовни туғилган кунининг етмиш йиллиги билан унинг дўстлари, фахрийлар ташкилотлари вакиллари табрикладилар.

Бошқа фахрийлар каби У. Ё. Иброҳимов ҳам катта меҳнат йўлини босиб ўтди, урушда вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашда қатнашди, ўзи зарур бўлган жойларда меҳнат қилди. Кўп йиллар давомида республика давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитетига бошчилик қилди.

Юбилярга гуллар тақдим этилди. Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов унга уюшманинг фахрий ёрлиғини топширди. **(ЎзА мухбири).**

Сайёрамиз нафаси

АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ

● Қобул дорилфунуни дания профессори Сегбатулло Мўжадедди бошчилик қилаётган ўтиш даври кенгаши халқаро миқёсда тан олинмоқда. Мўжадедди Туркия президенти Турғут Ўзолдан табрикнома олди. Эрон, Буюк Британия ҳамда Франция Афғонистоннинг янги раҳбариятини қўллаб-қувватлашини айтди.

Афғонистон пойтахти Қобулда ҳаёт қайта изга тушмоқда. Муассасалар ишлаяпти, дўконлар очилди. Аммо, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги сезилаяпти.

«Афғонистон ислом жамияти»нинг раҳбари Бурҳонуддин Раббони Пешавордан Қобул шаҳрига жўнаб кетган. Унга «Афғонистон—ислом инқилоби ҳаракати»нинг раҳбари Наби Муҳаммади ҳамроҳлик қилаётир. Афғонистондаги эски тузумга қарши курашган собиқ афғон оппозициясининг яна бир обрўли арбоби —Расул Сайёф ҳам уларга қўшилиши керак.

Мўжадедди нутқ сўзлаб, Афғонистондаги барча миллатлар ва элатлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш йўлини эълон қилганлигини айтган.

ҲАМКОРЛИККА СОДИҚЛИК

● Россия Федерацияси давлат котиби Г. Бурбулис Ҳиндистонда меҳмон бўлиб турибди.

Ташрифнинг иккинчи куни у ҳукмрон Ҳиндистон Миллий конгресс (И) партиясининг раҳбарлари билан учрашди. Суҳбат қизғин ўтди. Дўстлик ва ҳамкорлик анъаналарига содиқлик алоҳида тасдиқланди. СССРнинг ҳуқуқий вориси бўлмиш Россия Федерацияси билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқиш руҳи кўзга ташланмоқда. Музокараларнинг дастлабки якунлари шундан далолат беради.

КЎП ПАРТИЯЛИ АСОСДА

● Конго Республикаси тарихида биринчи марта маҳаллий ҳокимият идораларига кўп партияли асосда сайлов бўлиб ўтди.

Мамлакат Бош вазири Андре Милонго шу муносабат билан ўз фикрини баён этди. Унинг таъкидлашича, сайлов ўтмишга барҳам берилганидан нишонадир. Эндиликда мамлакат фуқаролари ўзларининг ҳақиқий раҳбарларини сайлашлари мумкин.

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

● Боку шаҳрида Озарбайжон Миллий агентлиги билан Туркиянинг Анадўлў агентлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида протокол имзоланди.

Протоколни мамлакатларнинг шу хизмат соҳаларининг раҳбарлари Ф. Содиқов ва Ж. Байтур имзолашди. Иккала давлат пойтахтларида мухбирлик пунктлари очилади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

1.

• ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ТАЖРИБА ВА МУАММО

ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИ

● Жаҳон халқларининг салкам минг йиллик тажрибаси кўрсатадики, илм-фан тараққиёти, унинг узлуксиз ривожланишини таъминлаш ва шу мақсадда ёш олимларни етиштиришнинг муқобил. услуби — университет таълимидир. Биз узоқ ва бой тарихимизда фан ва маданият олий даражага кўтарилган асрларни, масалан, Хоразмда Маъмун академияси, Самарқандда Улуғбек илмий мактаби, Бухорода илоҳиёт, Қўқонда адабиёт гуллаб-яшнаган даврларни биламиз. Афсуски, буидай юксалишлар истилолар, феодал тарқоқлик ва бошқа бир қатор сабаблар туфайли иниқироз йилларида узилиб турган.

1920 йилда Тошкентда Давлат университети ташкил этилгач, республикада нафақат олий маълумотли мутахассислар етказиш йўлга қўйилди. Балки яна ҳам муҳимроқ бўлган фаннинг муттасил ривожланишига пойдевор яратилди.

Бу олий даргоҳнинг республикамиз, ҳатто бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон тараққиётига қўшган ҳиссасини баҳолайман деган киши хато қилса керак. Бу ўринда ҳаққоний бир савол туғилади: мамлакат ҳаётида университетнинг роли шу қадар салмоқли экан, нима учун республикамизда шу пайтгача атиги учтагина дорилфунун мавжуд эди? Чет элда кичик-кичик шаҳарларда ҳам университет бўлгани ҳолда Бухоро, Термиз, Марғилон каби қадимий фан ва маданият ўчоқларига бундай имтиёз берилмай келди.

Мустақиллик шарофати, республика биринчи Президентини сайлаш муносабати билан ана шу ижтимоий ноҳақлик барҳам топди. Тармоқ дорилфунунлари қаторида вилоятларда университетлар очилиши жумҳуриятимизда фан ва маориф истиқболини белгилаш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш йўлида муҳим тадбир бўлди. Бу ишончимиз шунга асосланадики, биринчидан, университетларда предметлар педагогика институтларига нисбатан кенг ва чуқурроқ дастур бўйича ўқитилади; иккинчидан, университет статуси ўқитишни илмий-тадқиқотлар билан қўшиб олиб боришни тақозо этади. Бунинг учун, учинчидан, университетларда фан алоҳида соҳа сифатида ривожлантирилиши талаб қилинади, тўртинчидан, мутахассисларимиз қўлида университет дипломи бўлиши республикамизнинг халқаро алоқаларида аҳамиятга молик; бешинчидан жойларда университетлар мавжудлиги ҳам фан, ҳам маданият юксалишига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, ёшларнинг илмга қизиқишини орттиради. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш учун ҳам қулай шароит яратилади.

Айни пайтда кечаги институтнинг бугун дорилфунун деб аталиши юқорида саналган хусусиятларни ўзўзидан туғдирмайди. Том маънодаги университет даражасига эришиш учун ўн йиллаб заҳмат чекишга тўғри келиши яхши маълум.

Шу нуқтаи назардан олганда Тошкент Давлат университети 72 йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтди. У жумҳуриятдаги барча олий ўқув юртлари ҳамда Фанлар академияси тизимидаги илм даргоҳларининг бобокалонидир. Шу билан бирга ТошДУ ҳозир ўзининг айни балоғат ёшида. Йигирманчи йилларда САГУ факультетларини бармоқ билан санарли маҳаллий миллат вакиллари тамомлаган бўлса, ўттизинчи-қирқинчи йилларда дастлабки фан докторлари етишиб чиқа бошлади. Урушдан кейинги йилларда эса бус-бутун илмий мактаблар яратилди. Ҳозирга келиб уларнинг кўпчилиги чет элларда ҳам машҳур бўлиб бормоқда.

Гарчанд турғунлик йилларининг салбий оқибатлари университет тақдирида ҳам нохуш из қолдирган бўлса-да, эътироф этиш лозимки, ТошДУ профессор-ўқитувчилар жамоаси «юз фоиз ўзлаштириш», порахўрлик ва бошқа балоларга қарши туришда собитлик кўрсатди. Шунга қарамасдан кейинги йилларда университетнинг аввалги шон-шуҳрати бир қадар пасайди.

БУГУН республикамиз истиқлолга эришиб, жаҳон халқлари оиласида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётган экан, чуқур билимли, ҳар томонлама баркамол, ҳам миллий қадриятлар руҳида тарбияланган, ҳам жаҳон маданиятидан хабардор мутахассислар тайёрлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада карвонбоши университетимизнинг масъулияти ғоят катта, зеро, у шунга яраша имкониятига ҳам эга.

Янги очилган университетлар учун ана шундай йўлни босиб ўтиш ҳали олдинда. Бунда улар биринчи навбатда ТошДУ тажрибаси ва ёрдамига таяниши шубҳасиз. Илмий кадрлар таркибини мустаҳкамлашда кўмак беришдан ташқари ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, дарсликлар яратиш, илмий иш мавзуларига етакчилик қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш каби ўнлаб йўналиш мавжудки, уларнинг асосий юки ТошДУ елкасига тушади.

Бу ҳақда ўйлар эканмиз, бизни бир масала ташвишлантиради: ТошДУ республикадаги бошқа дорилфунунлар билан бир қаторда туриши кераки ёки у ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлгани афзалми? Биринчи йўл сиртдан қараганда демократик бўлиб туюлса-да, аслида шундай эмас: бу йўл янги университетларни юқорига тортиш ёки савиясини кўтариш ўрнига республикамизнинг етакчи олий ўқув юртини собиқ педагогика институтлари даражасига тушириб қўйиши мумкин. Иккинчи йўл —Тошкент Давлат университетига локомотивлик вазифасини юклаб, дорилфунунларни, умуман, олий таълим тизимини тараққиёт йўлидан юксалтиришга хизмат қилади.

Бир мисол. Даетлабки йилларда бизнинг амалдаги ўқув дастурларимиз ёш университетлар учун оғирлик қилиши табиий. Ҳолбуки ТошДУнинг ўзи ўқув дастурларини мунтазам янгилаб туришга муҳтож. Дарслар мазмуни замон талабига жавоб берадиган бўлибгина қолмай, балки замондан илгарироқ одимлаб, жамиятнинг келажагини таъминлайдиган бўлиши керак. Шундай экан, ТошДУ олий таълим учун ҳамда илмий ходимлар тайёрлашда ўзига хос лаборатория вазифасини бажаришда давом этса, республикамиз манфаатига мос бўлади.

Баён қилинган ва кўпчилик олимлар, жамоатчилик билдираётган фикр-мулоҳазаларни назарда тутиб, шундай хулосага келамиз:

Тошкент Давлат университетига алоҳида мақом берилиши, унинг молиявий ва моддий-техника таъминоти республика бюджетида алоҳида графа билан ажратилиши, ўз фаолиятини олиб боришида максимал мустақилликка эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Бу ерда ТошДУ раҳбарияти ўзи учун алоҳида имтиёз талаб қилаётгани ҳақида зинҳор сўз бўлиши мумкин эмас. Ректорлар келиб кетаверади. Уларнинг вазифаси миллат манфаатига мос иш тутишдир. Миллат эса ўзининг интеллектуал хазинасига бефарқ қарай олмайди. Эслатиб ўтиш жойизки, ўқув юртлари тизимида ўзининг махсус ўрнига эга бўлган билим масканлари барча тараққий қилган давлатларда мавжуд: собиқ СССРнинг Москва, Ленинград, Новосибирск, Киев университетлари, АҚШда Принстон, Беркли, Гарвард университетлари, Англияда Оксфорд ва Кембриж университетлари, Францияда Сорбонна шундай мавқега эга. Масалага чуқурроқ қаралса, алоҳида мақомга эга миллий дорилфунунлар бўлиши айрим шахсларнинг субъектив ёндашувлари натижаси эмас, балки жамият тараққиётининг талабидир.

Зотан, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб фан маълумот йиғувчи ва тавсия ишлаб чиқувчи соҳадан, ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳаётни амалий ғоялар билан бойитувчи кучга айланди. Юксак тараққиёт босқичига кўтарилган қайси давлатни олмайлик, у бунга фақат илмий-техника инқилоби, туфайлигина эришган. Фан дарахти тезроқ ҳосилга кириши ва ҳосили мўл бўлиши учун эса, боғбон омилкор бўлмоғи керак.

Фаннинг замонавий тушунчалари ва услублари билан қуролланган, муаммоларга янгича ва чуқурроқ кириб бора оладиган мутахассисларни тайёрлашнинг синалган йўли илғор ўқув дастурлари бўйича ўқитишни мунтазам илмий изланиш билан қўшиб олиб боришдан иборат. Бугунги кунда умумжаҳон қаричи билан ўлчанадиган ихтиролар, қанчалик қобилиятга эга бўлмасинлар, якка олимлар томонидан қилинмайди. Балки ана шундай олимларнинг юқори концентрацияси таъминланган илмий марказларда қўлга киритилади.

Республикамизда бундай марказлардан энг йириги — ТошДУ ва академиямизнинг илмий текшириш институтларидир. Шундай экан, ТошДУ илмий потенциалини авайлаш, мавжуд илмий мактаблар концентрациясини «критик сатҳдан» пасайишга йўл қўймаслик зарур.

АЛБАТТА, университетнинг олий таълим тизимидаги мавқеи биргина юқоридан бериладиган эътибор билан белгиланмайди. ТошДУ раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар жамоаси, аспирант ва талабалар, турли бўлим ходимлари ўз масъулиятини ҳис қилиб туришлари лозим. Кези келганда айтиш лозимки, турли жамоат ва сиёсий ташкилотларда фаоллик кўрсатаётган домлалар ва талабалар ТошДУнинг миллат олдидаги бош вазифаси олий малакали мутахассис тайёрлаш эканлигини унутмасликлари, шу шарафли вазифани бажаришда ўз имкониятлари доирасида кўмаклашишлари даркор. Ҳар қалай биз уларнинг юртпарварлигинг барча қатори шу мезон билан ўлчашга ҳақлимиз.

Сўнгги йилларда, айниқса, январь воқеаларидан сўнг Тошкент Давлат дорилфунунининг обрўсига гард юқди деган тушунча вужудга келди. Бу кўнгилсиз аҳволнинг қатор сабаблари бор. Уларни бартараф қилиш учун ҳаракат қилинмоқда. Умид қиламизки, яқин муддат ичида ТошДУнинг обрў-эътибори тикланади, унинг республика ҳаётидаги ижобий салмоғи ортади. Лекин бу борада у аниқ ёрдамга муҳтож. Бу университет билан яқинроқ танишганда яққол кўзга ташланади. Ўқув биноларининг ҳолати талаб даражасидан анча паст, ётоқхоналар капитал ва сифатли таъмирга муҳтож, ботаника боғи, лингафон кабинетлари, қатор лабораториялар ўз вазифаларини бажариш учун деярли яроқсиз ҳолатда. ТошДУ ҳануз ўзининг спорт комплекси, дам олиш зонаси ва ёзги болалар лагерига эга эмас. Шунингдек, унинг «маҳсулотларидан» муҳим бир тоифаси рисолалар, дарсликлар, илмий мақолалар тўпламлари бўлиб, агар бу соҳада эҳтиёж учун қоғоз билан таъминлаш йўлга қўйилмаса илмий изланишлар самараси ҳам кескин пасайиши аниқ.

2.

Таълим-тарбия соҳасида ҳам муаммолар талай. Талабаларимиз миллий урф-одат ва анъаналаримиздан йироқлашганлар. Каттани ҳурмат қилиш, устозга ота-онадай муомалада бўлиш, яшаш ва ўқиш жойларини покиза сақлаш каби ўзбекона хусусиятлар ноёб бўлиб бораётгани ташвишлантиради. Айниқса, ёшларимиз кийиниш ва косметикага берилишда ғарблик тенгқурларидан ўзиб бораётгани ҳолда ўз вазифасига масъулият билан қараш бобида ортда қолмоқдалар.

Мени безовта қилаётган яна бир нарса — дорилфунун талабалари илм чўққиларига интилишга ўч палласида ўқишга нисбатан лоқайдлик, совуққонлик кайфиятига берилганлигидир. Ёшларимизга малол келмасину, авваллари лекция пайтида тингловчилар кўзидан ўт чақнар, илмга ташналик, юзларидан барқ уриб турар, машқ ва семинарларда мунозара, талабалар ўртасида ўртоқларча мусобақа руҳи ҳукм сурар эди. **Ўқиш талабанинг асосий бурчидир, халқ, ота-она олдидаги қарзидир. Талабалик йилларини сермашақат меҳнат даври, етук мутахассис бўлиб етишиш учун имконият деб қараш ўрнига, ўйин-кулги, кайфу-сафо учун қулай пайт, деб қарайдиган кишилар янглишадилар. Биз талабаларга дарс бериш билан бирга уларга қўйиладиган талабни ҳам кучайтиришимиз лозим. Токи, Тошкент университети дипломининг қадри жаҳон миқёсида юқори баҳоланадиган бўлсин... Шуни назарда тутиб ТошДУни республиканинг элитар мутахассис тайёрловчи ўқув юртига айлантириш ҳақида ўйлайдиган пайт келди.** (Элитарлик қабул қилинувчиларга нисбатан эмас, битирувчиларнинг малакасига нисбатан кўзда тутиляпти).

Эътироф этиш зарурки, бугунги иқтисодий танглик даврида ёшларимизнинг норозилигига сабаб бўладиган ҳолатлар ҳар доим топилади. Лекин тарих «қасоскор» эканлигини унутмайлик — бугунги авлод қийинчиликларни сабот билан енгиб, илм чўққиларига кўтарилмас экан, улар улғайгач, давлатни, иқтисодиёт ва маданият жабҳаларини бошқаришда навбатдаги авлод норозилигини келтириб чиқарадиган мутасадди бўлиб етишадилар. Тарих ғилдирагининг бу тарзда айланиши халқ орзу-истагига мутлақо зид.

ГАП айланиб нозик мавзуга тақалмоқда. Дорилфунун олдида турган муаммолар анчайин чуқурлашиб кетишида профессор—ўқитувчиларнинг «ҳиссаси» оз бўлмаса керак?

Юқорида университет таълимининг бош принципи мударрисликни илмий-тадқиқот билан қўшиб олиб бориш эканлигини таъкидлаган эдик. Хўш, кафедралардаги ҳар бир домла бу талабга жавоб берадими? Афсуски, йўқ! Бир гапни қотиб қолган услубда йил сайин чайнайдиган, сарғайиб кетган конспектдан маъруза ўқиб берадиган, талаба саволига жавоб бермай, «авторитетларга» ҳавола қиладиган муаллимлар тоифаси мавжуд. Бу ТошДУ домласи деган шарафли унвонга хилоф. Бундай мударрислар аввалги хизматларидан қатъий назар талабалар орасида обрў қозона олмайдилар. Натижада улар билан студентлар ўртасида жарлик пайдо бўлади.

Ҳаётимиз фаровонликка эришганда принципиаллик кўрсатиш қийин эмас. Республикамиз тарихида муҳим бўлган даврда яшаётганимизни унутмайлик. Бундай ўтиш-ўзгариш даври ҳеч бир давлатда осон кўчган эмас. Шундай ҳал қилувчи пайтда қийинчиликларга қарамай, ҳалоллик ва фидойилик кўрсатиш чинакам миллатпарварликдир. ТошДУда халқ манфаати учун жон фидо қилаётган устозлар оз эмас. Улар ёшлар муҳаббатига сазовор бўлиб келганлар. **Тошкент Давлат университети — халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўювчи ва худди шундай ёшларни тарбиялашга қодир кишилар макони.**

Ўйлаймизки, дорилфунунимизга махсус мақом берилиши унга юқори малакали мутахассислар жалб қилишга ҳам имкон беради. Биз профессор ва доцентлар маошини тезлик билан бўлмаса-да, аммо яқин йиллар ичида чет эллардаги даражага етказишимиз зарур. Шунда кадрларни контракт услубида танлашга ҳам имкон туғилади.

Шу ўринда ТошДУнинг ички имкониятларидан бирига тўхталиш жоиз. Дорилфунунда ҳар йили юзлаб чет эллик фуқаролар таҳсил кўрмоқда, ўнлаб ҳорижий аспирантлар кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилмоқда. Университет фаолиятининг бу қирраси муҳим валюта манбаидир. Шу боис бу йўналишдаги бор имкониятни ишга солиш долзарб масала. Айниқса, ётоқхоналарни ораста қилиш, университет қошида халқаро тоифадаги меҳмонхоналар қуриш даври келди. Қолаверса, юртимизнинг турли бурчакларидан келган ота-оналар фарзандларини ТошДУда ўқиётгани учунгина эмас, балки уларнинг маиший шароитидан, ҳам маънавий, ҳам маданий улғаяётганлигидан ғурурланиб қайтсинлар

50-йиллардан бошлаб Япония ҳукумати миллий даромадининг салмоқли улушини маорифга сарфлаган экан, бугун бунинг натижасидан жаҳон аҳли ҳайратда.

Шуни назарда тутиб, Тошкент Давлат университетининг равнақини кўзлаб сепилган уруғ (харажат) ҳам яқин келажакда мўл ҳосил беришига имонимиз комил.

Т. ЖУРАЕВ,
ТошДУ ректори, академик.

3.

ЛАВҲА

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИНГ

● Оламда яхшилик қолади. Бола бошидан, деганларидек баъзилар болалигиданоқ одамларга яхшилик қилишни қалбига жо қилган бўлади. Бу одат унга ё отасидан ё онасидан ўтган бўлса не ажаб.

Айтишади-ку, қуш инида кўрганини қилади, деб. Муҳаммаджон дастлаб ёш авлодга таълим-тарбия беришни кўнгилга тугиб қўйганди — ниятига етди. Ер тафтидан одамларга қут-барака улашмоқчи эди — орзу амалга ошди. Ўзи туғилиб ўсган диёрни боғ-роғларга айлантириш истаги билан яшади. Қуйи Чирчиқ (собиқ Ғалаба) районидаги «Огонёк» давлат хўжалиги, айниқса 70-80-йилларда республикада донг таратди. Чунки эзгу ишлар бошида камсуқум, ишбилармон, ҳалол ва тажрибали соҳибкор М. Отажонов турарди.

Ҳар сафар бирон юмуш билан районга борганимизда, албатта Муҳаммаджон отанинг файзли хонадонига кирмасдан ўтмаймиз. Ҳар сафар у бир пиёла чой асносида ширин суҳбатига шерик қилмасдан жўнатмайди. Ва ҳар сафар унинг ёнида рафиқаси меҳрибон, ширинсуҳан Орзи ая Отажонова парвона бўлаётганининг шоҳиди бўламиз. Ҳар гал келганимизда уларни бирон-бир иш устида учратамиз. Йигирма сотих жойдаги ўттиз хил навдаги узумзор доимо меҳрга зор бўлиб кутиб тургандай туюлади уларга. Ҳовли чеккасидаги иссиқхона неъматидан тўрт ўғли ва бир қизи, йигирмадан зиёд невара-чеваралари баҳраманд.

Фарзандлари ҳафтада бир марта куюнчак падари бузрукворининг дуосини олмасалар кўнгиллари ғаш бўлади. Зотан, ота рози — худо рози, деб бекорга нақл қилишмаган-да.

Фарзандлари ҳақида гапираётганда ҳадемай қутлуғ тўқсон ёшга кирадиган табаррук отахон қалбидаги беҳисоб меҳр инжуларини кўргандек бўлдик.

У худди шундай меҳрни жамоа аъзоларидан ҳам аямади. Соҳибкор ва боғбонлар меҳнат шароитини яхшилаш, маданий-маиший хизмат турларини кўпайтириш, қоқилганни суяш, янглишганни тўғри йўлга солиш, дардлининг кўнглини кўтариш пайида бўлди. Натижада қолоқ хўжалик республикада донгдор жамоалардан бирига айланди. Олманинг «Палмети» нави районлаштирилиб, у ишғол қилган майдон 200 гектардан ошди. Узум ва меванинг серҳосил навлари етиштирилгани туфайли хўжаликнинг йиллик соф даромади тўрт ярим миллион сўмга етди.

Даромадга яраша буромад, деганларидек кўрилган фойда ҳисобидан уй-жойлар, марказлаштирилган мактаб ва боғча, 500 ўринли маданият саройи, Бахт уйи, шифохона, маданий-маиший нуқталар ҳамда савдо шохобчалари қад ростлади. Боғчадаги 500 нафарга яқин кичкинтой учун ҳозир ҳам ота-оналар пул тўлашдан озод этилганлар. Ўн мингтоннадан зиёд узумни қайта ишлайдиган корхона ишлаб турибди...

Умр оқар сувдай тез ўтаверар экан. Муҳаммаджон ота хаш-паш дегунча тўқсонни уриб қўйибдилар. Илойим, юз билан юзлашинг, демоқчимиз.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎҒИТШУНОС ОЛИМЛАР:

АЗИЗ БОБОДЕҲҚОНЛАР, ТАШВИШИНГИЗГА ШЕРИКМИЗ, ХИЗМАТИНГИЗГА ШАЙМИЗ

Стимуляторлар ғўза ўсимлигига икки марта берилади:
—чигит экишдан олдин;
—ғўза қийғос гуллаганда. Ғўза гуллаган вақтда бериладиган препаратлар иккига бўлиниб, ғўза шоналаган, ҳамда ёппасига гуллаган вақтда берилса, айни муддао бўлади

СУРУНКАЛИ давом этаётган ёғингарчиликлар, сел, жала оқибатида республикамиз экинзорлари, жумладан, Бухоро, Сирдарё, Жиззах вилоятлари катта моддий зарар кўрди. Зарар кўрган районларга турли ташкилотлар имкониятлари борича мадад қўлларини чўзмоқдалар. Бу хайрли ишдан республикамизнинг ҳар бир саҳий кишиси четда қолмаслиги керак. Ахир эл бошига иш тушганда ёрдам бериш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Илмгоҳимиз олимлари ўзларини табиий офатдан зарар кўрган районлар, хўжаликлар ташвишига шерик деб билмоқдалар. Шу билан бирга кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш, табиий офат қийинчиликларини даф этишда қишлоқ меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бериш учун энг муҳим чоратадбирларни ишлаб чиқмоқдалар. Шуниси қувончлики, бизда бундай имкониятлар етарлича. Илмгоҳимиз олимлари томонидан яратилган препаратлар пахтачилик районларида қўлланилса, аввало пахта бир ҳафта эртароқ пишиб етилади. Бунинг эвазига олинадиган фойданинг ҳам салмоғи ортади. Дармондори қўлланиши ҳисобига пахтанинг толаси анча пишиқ бўлади. Ундан олинадиган мойнинг миқдори янада ортади. Бизлар яратган янгилигимиз туфайли ҳосилдорликни энг камида беш центнер оширишга кафолат берамиз. Унинг қандайлиги кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Бу моддалар ўз ўрнида стимуляторлар ҳам дейилади. Улар — ўсимликларда бўладиган физиологик жараёнларга таъсир қиладиган препаратлар бўлиб, қаламчаларда тезроқ илдиз ҳосил бўлишига, уруғларнинг барвақт унишига, гулда бўладиган жараёнларни тезлатишга, ҳосил тугунчаларини ушлаб қолишга ёрдам беради.

Илмгоҳимиз олимлари томонидан кейинги йилларда жуда кўп стимуляторлар, жумладан ХТС, ТЖ, Умид, МЎ серияли моддалар кашф қилинди. Уларнинг ҳар бирига ихтирочилик патентлари олишга эришилди. Янги олинган препаратлар олдингиларига нисбатан таъсирининг зўрлиги, арзонлиги, олиниши енгиллиги, тирик организмларга салбий таъсир қилмаслиги каби қатор ижобий томонлари билан фарқ қилади. Қолаверса, уни қўллаётган, тажрибада синаб кўраётган хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам унга юқори баҳо беришмоқда.

Х. Раҳимов, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш илмгоҳининг уруғчилик лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди: — ХТС ҳамда ТЖ серияли стимуляторларнинг ғўза ўсимлигига таъсирини дастлаб лабораторияда, кейин эса тажриба участкасида ўргандик. Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатдики, бу дармондори яхши физиологик фаол модда бўлиб анча самарали ҳосиятга эга. Пахта ҳосилдорлигини 4—5 центнер оширади. Бундан ташқари ғўза ирсиятига ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайди. Унинг яна бир яхши томони шундаки, ғўзани вегитацион ўсиш ва ривожланиш даври қисқариши сабабли пахтани бир ҳафта олдин етилишига олиб келади. Утган йили чигитни стимулятор эритмасига тўйинтирдик. Ғўза ялпи гуллаган вақтда ҳам уни қўлладик. Бунинг эвазига пахта ҳосилдорлиги тажриба қўлланилмаган майдонларга нисбатан бир неча центнер юқори бўлди.

Д. Муҳитдинова, Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш илмгоҳининг лаборатория мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди: — Янги дармондорининг хосиятини 1986 йилдан буён ўрганиб, кузатиб келаяпмиз. Бу иш бир вақтнинг ўзида ҳам лабораторияда, ҳам дала шароитида олиб борилмоқда. Кузатишларимиз ижобий самара берди. ТЖ—85 препаратини чигитга таъсир миқдорини аниқладик. Экиладиган чигитга 0,01 фоизли эритма қўлланилса, унувчанлиги 12—15 фоиз, ғўзадаги кўсаклар сони, оғирлиги, пахта ҳосилдорлиги кузатилганига нисбатан анча ортади. Шунингдек, пахта 6—8 кун эрта етилади.

М. Эгизов, Жиззах вилоятининг Зомин районидаги «Прогресс» давлат хўжалиги директори: —«Совхозимиз ерлари шўр. Шунинг учун ҳам илмгоҳда яратилган дармондориларни кенг қўллаяпмиз. Унинг эвазига чигит мўлжалдагидан эрта, бир текис униб чиқмоқда. Қолаверса, кўзда тутилган кўчат қалинлигига эришяпмиз. Ғўзанинг кейинги ўсиш даврлари: шоналаш, гуллаш, кўсак ҳосил бўлиш, пахта очилиши олдингидагидан анча илгарилаб кетди. Янгиликни қўллаган экин майдонларимиздан қўшимча беш центнер ҳосил олдик.

А. Мустафоев, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи районидаги Киров номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси:— Утган йили ХТС стимуляторини қўллаб яхши натижага эришдик. Юқори ҳосил олинди. Пахта тайёрлаш режамизни 110 фоизга бажардик. Бу йил янгиликни хўжалигимизда тўла қўлламоқчимиз.

А. Қодиров, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси: — Илмгоҳ олимларининг яратаётган янгиликлари бизга ҳар томонлама манзур бўлмоқда. Уни қўллаш эвазига ҳосилдорликни йил сайин ошириб боришга эришаяпмиз.

К. Досанов, Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти, Келес районининг «Абай» совхози бош агрономи: — ХТС ҳамда ТЖ—85 стимуляторларини бизлар 1989 йилдан бери ўзимизнинг хўжалигимизда ишлатиб келяпмиз, ўша йили 300 гектар, 1990 йилдан бери 800 гектар майдонга экилган С—4727 ҳамда Ф—108 пахта навларида қўллаяпмиз. Биз препаратнинг ҳосиятини энди яхши тушуниб етдик. Районимиз тарихида бизлар экадиган навлардан биринчи сорт пахта етиштирилмаган эди, аммо ўтган йили стимулятор шарофати туфайли биринчи сорт пахта олишга муваффақ бўлдик ва давлатга топширдик. Стимулятор моддаси бизларнинг шўр ерларимизда жуда яхши ишлаяпти, пахтамиз эрта пишяпти, ҳатто пахта нави яхши бўлаяпти. Биз кимё, қишлоқ хўжалик олимларимиздан ХТС ва ТЖ—85 га ўхшайдиган, ундан яхши стимуляторларни кашф қилишларига умид қиламиз.

Янгилик Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятидаги Бугун районига қарашли «Спатаев» давлат хўжалигида, қўшни Ҳожимуқон ҳамда Темирязев давлат хўжаликларида, Ўзбекистон Республикасининг Сирдарё вилоятидаги Октябрь районига қарашли Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигида, Самарқанд вилоятининг Хатирчи районидаги М. Улуғбек номли жамоа хўжалигида, Сурхондарё вилоятининг Ғаларли районидаги Абдулла Қодирий номли давлат хўжалигида ва бошқа қатор хўжаликларда муваффақиятли қўлланилиб, кўзланган миқдорда қўшимча ҳосил олишга эришилди.

«Ўзбекистон овози»
ахборот тижорат-хизмати

Ёғингарчилик туфайли республикамиз иқтисодиётига катта зарар етказилган ҳозирги ташвишли кунларда халқимизга мурожаат этиб, уларга ўзимизнинг камбағаллик эканлигимизни билдирмоқчимиз. Айни пайтда табиий офатдан зарар кўрган хўжаликларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик ходимлари, келинглар, биргаликда ишлаб талофатни бартараф этайлик. Бу йил юксак хирмон уюшингизга яқиндан ёрдам берайлик. Биз сизларга ўз хўжалигингизга дармон дориларимизни чўчимасдан ишлатишни маслаҳат берамиз. Уни қўллаш эвазига қўшимча беш центнер пахта оласиз. Бундан ташқари пахтани бир ҳафта эрта очилишига эришасиз. Стимулятор моддаларимизнинг ҳосияти бебаҳо. У ғўза каби шоли, бўғдой, помидор, бодринг, тарвуз, қовун, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларига ҳам ижобий таъсир этади, ҳосилдорлигини оширади.

Стимулятор заҳирамиз кўп. Уни қўлламоқчи бўлсангиз бемалол илмгоҳимизга ташриф буюринг ёки мурожаат этинг!

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Охунбобоев кўчаси, 18-уй. Телефон: 33-39-50.

Султон УСМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Ўғитлар институти директори, техника фанлари доктори, профессор.

Шавкат НОМОЗОВ,
лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор.

Ҳаётилло ИСОҚОВ,
лаборатория мудири, техника фанлари номзоди.

• СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК БОР?

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

УЗОҚДАН КЎРИНУР МИНОРАЛАР

● Самарқанд тижорат ва иқтисодий алоқа борасида буюк ипак йўли давридаги нуфузини тиклаётир.

Шаҳарда 10 дан ортиқ мамлакатнинг қўшма корхоналари, фирмалари ишлаб турибди. Яқинда бу ерда «Интеросиё—92» халқаро ярмаркаси, МДҲ биржалари раҳбарлари учрашуви бўлди. Унда айрим халқаро биржалар вакиллари ҳам иштирок этишди. Вилоят ҳокими П. Абдурахмонов анжуман қатнашчиларини қабул қилди ва улар билан келажакдаги алоқалар ҳусусида суҳбатлашди.

Меҳмонлар Регистонда Японияннинг «Сони» корпорацияси фирма дўкони очилиши тантанасида қатнашдилар. Унда энг замонавий ноёб аппаратлар сотилаётир.

— Менинг ота-боболарим аслида Самарқанддан, — дейди «Ишан интернационал ЛТД» вице-президенти Эшон Аҳмад Хўжа. — Самарқанд билан «Сони» корпорацияси ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга бел боғлаганман.

Хуллас, Самарқандда халқаро иқтисодий, тижорат алоқалари кун сайин кенг қулоч ёзаётир. Регистон миноралари узоқ ўлкалардан ҳам кўринаётир.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



*

Бугунги кунда Наманган вилоятида қарийб 200 дан ортиқ масжид гавжумлашиб турибди. Шулардан 20 таси янги бунёд этилган масжидлардан саналади.

СУРАТЛАРДА: Нуробод мавзесидаги янги масжид ҳамда янги қурилаётган ибодатгоҳнинг кўриниши.

Суратқаш А. КОВТУН (ЎзА).

*

• *Амир Темур жамғармаси*

МЕҲНАТ ФАХРИЙСИ ҲИММАТИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги Абдулла Қодирий маҳалласининг Алоқа кўчасида яшовчи саксон икки ёшли Аъзам ота Рихсиевни маҳалладошлари катта ҳурмат ва эҳтиром билан эъзозлайдилар. Аъзам ота қирқ беш йил ўрта мактабда муаллимлик қилиб, болаларни тарбиялашдек қутлуғ ишга муносиб ҳисса қўшган инсон. У ҳозир фахрийлик гаштини сурмоқда. Лекин ҳамон маҳалла юмушларида фаол, тарбия масканлари билан мунтазам алоқа қилиб туради.

Аъзам ота яқинда газетадан Шаҳрисабзда буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур жамғармаси очилганини ўқиб, унга ўз ҳисобидан пул ўтказди. «Миллатимизга ҳамон шаън улашиб турган улуғ инсонга муносиб ёдгорлик ўрнатишдек эзгу ишга ҳар бир ўзбек фарзанди ўз ҳиссасини қўшиши керак», — дейди у.

А. ЮСУПОВ.

«МЕЗОНЛИ УМР»

● ОГАҲИЙ номидаги Хоразм давлат музикали драма ва комедия театри ижодий жамоаси яқинда томошабинларга янги саҳна асари туҳфа қилди.

Шоир ва драматург Комил Аваз қаламига мансуб, аҳлоқ ва одобга оид мусиқали «Мезонли умр» драмасини жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби, театрнинг бош режиссёри И. Ниёзматов саҳналаштирди, бастакор С. Қодиров асарга мос куйлар яратди. Янги саҳна асаридаги асосий ролларни жумҳурият халқ артистлари Б. Раҳимова, М. Бобожонов, иқтидорли ёшлардан Г. Раҳимова, М. Омонбоева, О. Тоғанов, О. Бобожоновлар ижро этишмоқда.

Э. МАДРАҲИМОВ.



• Спорт • Спорт • Спорт

ИСПАНИЯ ЙЎЛЛАРИДА

● ИСПАНИЯ йўллари бўйлаб ўтказилаётган кўп-кунлик велосипед пойгасида пешқадамлар кўзга ташланиб қолди.

Муҳлислар тошкентлик моҳир пойгачи Жамолиддин Абдужабборовнинг мазкур пойгадаги иштирокини зимдан кузатишмоқда. Италиянинг «Каррера» клубига профессионал пойгачи сифатида ёлланган Жамолиддин 135,5 километрли иккинчи босқич баҳсида ғалаба қозониб, кўпчиликни мамнун этди. У мазкур масофани уч соат 42 минут 28 секундда босиб ўтди. Пойгачимиз учинчи босқичда ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилди. У голландиялик Ван Поппел ҳамда унинг юртдоши Йелле Нийдам билан бир хил—6 соат 12 минут 20 секундда натижа кўрсатиб, совринли ўринни эгаллади. Тўртинчи босқичда эса марра чизиғи яқинида Ван чаққонлик қилиб қолди. Жамолиддин фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг тўққизинчи тур ўйинларида қизиқарли учрашувлар бўлиши кутилмоқда.

Маълумки, саккизинчи тур учрашувларида «Нурафшон» футболчилари 11 очко тўплаб, ягона пешқадам бўлиб олишган эди. «Темирйўлчи», «Наврўз», «Сўғдиёна», «Навбаҳор» жамоалари ҳисобида 10 тадан очко бўлиб, биринчи ўринга даъвогарлик қилишмоқда. Бугун «Пахтакор» — «Чирчиқ» футболчилари учрашуви билан тўққизинчи тур ўйинлари бошланади. Асосий учрашувлар эртага бўлади. Ишқибозлар «Косонсойчи» — «Нурафшон», «Темирйўлчи» — «Сурхон», «Нефтчи» — «Наврўз», «Сўғдиёна» — «Мароканд» ҳамда «Шаҳрихончи» — «Навбаҳор» жамоалари ўртасидаги учрашувларга қизиқиш билан қарамоқдалар.

ОБ—ҲАВО ИНЖИҚЛИГИ

Об-ҳаво инжиқлигининг сабаби нима! Ўзбекистон республикаси об-ҳавони кузатиш маркази бошлиғи Нина Сергеевна ГАВРИЛОВА ЎзА мухбирининг бу саволига қуйидагича жавоб қилди:

— 26 апрелдан бошлаб ҳаво ўзгара бошлади. Шу кундан бошлаб 29 апрелга қадар, мисол учун олганимизда, Қашқадарё вилоятида беш соат давомида бир ойда бўладиган ёғингарчиликнинг 50 фоизидан 170 фоизигача миқдорда ёғин-сочин бўлди. Бухоро вилоятида бу кўрсатгич бир ярим соат ичида 80—110 фоизни, Самарқанд вилоятида бундан сал камроқни ташкил этди. Биринчи майдан учинчи майга қадар вазият янада оғирлашди, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида сел қуйди ва ёғингарчилик миқдори май ойига тўғри келадиган нормадан ошиб кетди. Бунинг устига Сурхондарё ва Андижон вилоятларида жала дўлга айланди. Тоғолди ва тоғли районларда эса ёмғир қорга айланди. Ҳарорат меъёрдагидан 10—14 даража пасайиб кетди.

Юз йил давомида олиб борилган кузатишларга қараганда, 1951, 1954, 1989 йилларда об-ҳаво шундай келган, 1992 йилда яна такрорланди. Тошкент вилоятида 125 йил давомида 1985 йилдагина ҳозиргидек ҳаво совуқ келган эди.

Бу совуқ қишлоқ хўжалиги экинларига қандай таъсир қилди? Экинлар учун меъёрий зарур иссиқлик бўлишига 20—40 фоиз, шимолда эса 50—60 фоиз ҳарорат камлик қилди. Совуқ тушиши ғўзанинг ҳолатига ёмон таъсир этди. Ғўзанинг илдиз чириш касали, қатқалоқ хавфи пайдо бўлди. Сабзавот экинлари, мевали дарахтлар, тут дарахти, токзорлар, маккажўхори экинларига совуқ шикаст етказди. ғалла ётиб қолди.

Олтинчи майдан бошлаб айниқса республиканинг шимолида об-ҳавонинг яна ўзгариши кутилмоқда. Яна ёғингарчилик бошланади. Лекин ҳаво ҳарорати унча пасаймайди.

• *Яхшидан боғ қолади*

ЁД АЙЛАСАЛАР, ИҚБОЛ ЎШАДИР

Қарши кўчасидан
ўтсангиз магар,
Сизни кузатади
минг-минглаб чарос,
Қаёқдан келмоқда бу
ҳид муаттар!!!
Бу — Темир Мирзолар
барпо этган боғ.
Абдулла Орипов.

Ҳа, истеъдодли шоир назарига тушган Темир Мирзаев ким ўзи? У деҳқон боласи. Ишни ўқитувчиликдан бошлаб, мактаб директори даражасига кўтарилган. Кейин партия, совет ишларида фаолият кўрсатди.

Темир ака Ҳисор тоғи этакларини кўпинча отда кезарди. У тоғ шароитида боғдорчилик ва чорвачиликни кескин ривожлантириш зарурлигини сезар ва бунга ҳаётини бахшида қилишга, касбини ўзгартиришга ҳам тайёр эди. Шундай қилиб, у тоғолди хўжаликларида, боғдорчилик, чорвачилик, сабзавотчилик ва ҳунармандчиликни юксалтириш борасида райком ва райижроқўмнинг дастурларини ишлаб чиқишда фаол қатнашди.

Қарши шаҳрининг шарқий биқинида жойлашган ўрмон хўжалигида ишлаш нияти борлигини айтди. Шундай қилиб, Темир Мирзаев 1961 йилнинг кузида 110 гектар майдонга эга бўлган ўрмон хўжалигига бошлиқ этиб тайинланди. Хўжаликда ишловчилар сони 50 кишига ҳам етмасди. Бир неча гектар ерда терак, тол, гужум ўстириларди. Бу жамоа мевали ниҳоллар етиштирувчи давлат хўжалигига айлантирилди. Қўшни Ленин номли давлат хўжалигидаги Парғўза ва Арабхона қишлоқлари ерларининг бир қисми ҳам бу хўжаликка ўтказиб берилди. Унинг ер майдони 810 гектарга етди. Хўжалик марказида бирданига 50 гектарлик боғ яратилди. 20 гектар ерга мевали кўчатлар ўтқазилди. Йўл четларига, суғориш шахобчалари бўйларига манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Бу хўжалик Шредер номли узумчилик, виночилик ва мевали дарахт ниҳоллари етиштирувчи жумҳурият илмий-тадқиқот институтига қарашли эди. Темир аканинг тадбиркорлиги, ёниб ишлаётганлигидан, ҳурсанд бўлган институт директори, таниқли олим Маҳмуд Мирзаев хўжаликка ёрдам қўлини чўзди. Китобдаги 70 гектар майдонга эга бўлган бўлим ҳам шу хўжаликка қўшиб берилди. Тез орада Парғўза қишлоғини қайта қуриш, унинг юлғунзор, чангалзор ерларини ўзлаштириш, ирригация шахобчалари чиқариш, мактаб, боғча, магазин ва бошқа объектлар қуриш ишларига миллион сўмлаб капитал маблағлар ажратилди.

Куз ойларида Темир аканинг ташаббуси билан Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғдаги бўлим боғларидан минг-минглаб ток қаламчалари келтирилиб экилди. Кўплаб майдонларга ўрик, олма, беҳи, қароли уруғлари сепилди. Кўчат ва ниҳоллар парваришига эътибор кучайтирилди. 2—3 йил ичида хўжалик қўшни хўжаликларга томирли ток ниҳоллари, пайвандланган мевали кўчатлар сота бошлади. Хўжаликнинг ўзида тайёрланган ниҳоллар, кўчатлардан юзлаб гектар ерларга экилиб, боғ-роғлар яратилди.

Хўжаликнинг Парғўза бўлими бошқарувчиси Зиёд Раҳматуллаев бир куни баъзи одамларнинг дала ишларини ташлаб, шаҳарда ишлашга кетиб қолаётганлиги ҳақида куюниб гапирди. Директор ўша куниёқ қишлоқ қа келиб эл оқсоқоллари билан ҳамкорликда жамоага мурожаат қилди:

— Боғбон бўлишлик пахтачилик, ғаллачилик ёки полизчиликда ишлашдан оғирроқ, Деҳқонлар баҳорда ерга уруғ ташлайди-ю, 3-5 ой ўтгач, маҳсулотини кўради, — деди. — Боғдорчилик игна билан қудуқ қазишдек гап. Бу касб эгалари 4-5 йилда ўз меҳнатларининг самарасини кўрадилар. Шундай экан, вақтинча кам иш ҳақи олишга тўғри келади. Ўнгача ниҳоллар орасида сабзавот ва полиз экинлари экайлик. Ҳосили хўжаликка ҳам, деҳқонга ҳам фойда. Бу билан ниҳолларни суғориш, унга ишлов бериш ишлари ҳам бир йўла амалга оширилади, — гапида давом этди у. — Эл тўқ бўлсин десангиз қишлоғингизда бунёд этилаётган боғнинг ташаббуси билан Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғдаги бўлим боғларидан минг-минглаб ток қаламчалари келтирилиб экилди. Кўплаб майдонларга ўрик, олма, беҳи, қароли уруғлари сепилди. Кўчат ва ниҳоллар парваришига эътибор кучайтирилди. 2—3 йил ичида хўжалик қўшни хўжаликларга томирли ток ниҳоллари, пайвандланган мевали кўчатлар сота бошлади. Хўжаликнинг ўзида тайёрланган ниҳоллар, кўчатлардан юзлаб гектар ерларга экилиб, боғ-роғлар яратилди.

Хўжаликнинг Парғўза бўлими бошқарувчиси Зиёд Раҳматуллаев бир куни баъзи одамларнинг дала ишларини ташлаб, шаҳарда ишлашга кетиб қолаётганлиги ҳақида куюниб гапирди. Директор ўша куниёқ қишлоқ қа келиб эл оқсоқоллари билан ҳамкорликда жамоага мурожаат қилди:

— Боғбон бўлишлик пахтачилик, ғаллачилик ёки полизчиликда ишлашдан оғирроқ, Деҳқонлар баҳорда ерга уруғ ташлайди-ю, 3-5 ой ўтгач, маҳсулотини кўради, — деди. — Боғдорчилик игна билан қудуқ қазишдек гап. Бу касб эгаларида ишлаш лозим. Ниҳолларимизни сота бошладик Кассамизга юз минг сўмлаб пул тушяпти. Ҳадемай даромадларимиз кўпайиб кетади.

Орадан йиллар ўтди. Хўжаликда мева, узум берадиган боғлар, токзорлар майдони икки юз гектардан ошиб кетди. Парғўза қишлоғини оралаб юрсангиз мева-чевалар, ширин-шакар узумзорларни кўриб яйраб кетасиз.

Парғўза, Арабхона қишлоқлари бош режа бўйича қайта қурилди. Хонадонларга электр нури, қувур орқали келадиган сув ва табиий газ ўтказилди. Мактаб-боғча, магазинлар қурилиб, ишга туширилди. Боғбонларнинг ойлик маошлари қарийб икки баравар ошди.

... Етмишинчи йилларнинг боши. Вилоят қишлоқ хўжалик ходимларининг қурултойи ўтарди. Қурултойда Темир Мирзаевга ҳам сўз берилди. У Қашқа вилоятини боғ-бўстонга айлантириш борасида жўшиб гапирди.

— Келажакни ўйлаган раҳбар хўжалигида ҳеч бўлмаганда 100 — 150 гектар боғ яратади, — деди у сўзининг охирида.

Қурултойда жумҳурият раҳбари Ш. Рашидов иштирок этарди. Директорнинг гапи у кишига жуда маъқул тушди. Т. Мирзаевни чақириб унга бодомчилик бўлими ташкил этиш учун Майманоқдан ер ажратиб берилишини таклиф этишди. Шундан сўнг Улъянов районидаги «Москва» давлат хўжалигидан бодомзор боғ барпо этиш учун хўжаликка 470 гектар ер ажратиб берилди. Юзлаб майманоқликлар бу савобли ишга жалб этилди Боғбонлар учун уй-жой, дала шийпонлари ва бошқа оромгоҳлар қурилиши бошлаб юборилди. Ҳозир бу бўлим совхозга айлантирилган.

Йиллар ўтди. Парғўза, Майманоқ боғларининг довруғи бутун жумҳуриятга кетди. Т. Мирзаев вилоят раҳбарларига Косон районидаги Ленин номли давлат хўжалигига қарашли Тўқмангит, Узуннаво, Сарой қишлоқларини мевали дарахт кўчатлари етиштирувчи хўжаликка қўшиб беришни, бу жойларда боғ-роғлар барпо этишни таклиф қилди. Унинг илтимоси қондирилди. 800 гектар ер майдонига эга бу қишлоқлар мазкур хўжаликка қўшилди.

Бугунги кунда ўша қишлоқларда бўлган киши ўзини худди шаҳарда юргандек ҳис қилади. Ҳозир бу ердаги иссиқхона ходимлари шаҳар аҳолисига кўплаб миқдорда помидор-бодринг ва турли-туман кўкатлар етказиб бериб туришибди. Энг муҳими хўжалик боғбонлари кейинги ўн йилда воҳамиз, қўшни вилоятлардаги хўжаликларга, ташкилотларга ва шахсий томорқаларга 20 миллион тупдан ортиқ мевали дарахт ҳамда токнинг кўчатлари етказиб беришди. Ўтган 1991 йилда хўжалик даромади 3 миллион сўмдан ошиб кетди.

Хўжалик ҳозир 1700 гектар ер майдонига эга. Бунинг 387 гектарини ҳосил берадиган боғлар ташкил этади. 95 гектари узумзор.

Боғбон Темир Мирзаев бу хўжаликка 25 йил раҳбарлик қилди. 1986 йили пенсияга чиқди. Лекин хўжалик меҳнат аҳли уни ўз бағридан кетгазгани қўймайди. У киши иссиқхона хўжалигида умрининг охиригача агроном бўлиб ишлади.

Бу меҳнаткаш инсоннинг узоқ йиллик катта хизматлари муносиб баҳоланди. У икки марта «Меҳнат Қизил Байроқ», икки марта «Ҳурмат белгиси» орденлари, қатор медаллар ва «ГАЗ — 24» маркали енгил автомашина билан мукофотланди. 1990 йилнинг июль ойида Темир Мирзаев 71 ёшида бандаликни бажо қилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раёсатининг қарори билан Қарши мевали дарахт ниҳоллари етиштирувчи давлат хўжалигига марҳум Темир Мирзаевнинг номи берилган.

— Темир аканинг байроғи ишончли қўлларда, — дейди хўжалик директори Н. Қамбаров. — Биз устозимизнинг боғларини кенгайтириш борасидаги ишларни изчил давом эттиряпмиз. Хўжалигимизда Темир аканинг содиқ шогирдлари хизмат қилади. Рауф Очилов, Раҳмат Қурбонов, Нормамат Қурбонов, Мусо Бўронов, Жалол Чоршанбиев, Норсулув Қурбонова, Омон Инатов шулар жумласидандир.

Ким халқ ғами билан яшаса, у ҳеч қачон ўлмайди, Шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек:

Яшасанг дунёда ёруғ
юз билан,
Ҳурмат кўргизсанг
ва бўлса иззатинг!
Кетсанг, эсласалар ширин
сўз билан,
Яхши номинг қолса,
қолса хизматинг.
Туғилсанг бахт билан
камол ўшадир,
Охир чоғ тўпроғинг
устига келиб,
Кимдир ёд айласа,
иқбол ўшадир!

Орол МУМИНОВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«ЮБИЛЕЙ» СПОРТ САРОЙИДА

ШУ ЙИЛНИНГ 20—24 МАЙ КУНЛАРИ ФАҚАТ БЕШ КУН

Жумҳуриятда етакчи руҳий муолажакор — халқ табиби Абдурафиқ ҒОФУРОВ

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МУОЛАЖАЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Муолажа давомида бош оғриғи, уйқусизлик, қон босими, бронхиал астма, қанд касалликлари, остеохондроз, полиартрит, юрак, ўпка, буйрак, жигар, ошқозон, тери касалликлари, умуртқа поғонаси, қўл ва оёқ суяк оғриқлари, семизлик ва ориқлик жинсий заифлик, бефарзандлик дардларидан фориғ бўласиз. Турли хил «иссиқ-совуқ»лардан, «амал»лардан, «тугун»лардан қутулиб, тўла соғайиб кетасиз. Табиб уйдаги касалларни сурат орқали даволаш хислатига ҳам эга.

Жумҳуриятимиз аҳолиси учун Абдурауф Ғофуров 13—14 май кунлари иккита сиртқи руҳий сеанс уюштиради. Руҳий сеанс тўғрисидаги маълумотлар билан «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» рўзномасининг 8 май сонида батафсил танишишингиз мумкин.

Муолажалар ҳар куни соат 12.00 ва 17.00 да бошланади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИ
«ПЛЕМЭЛИТА»
ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ
1992 йил учун

«Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини кўпайтириш, уларнинг селекцияси ва етиштириш», «Хусусий зоотехния», «Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси» ихтисослари бўйича

кунузги ва сиртқи аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аспирантурага ҳужжатлар 1992 йил 1 июнгача қабул қилинади.

Имтиҳонлар — 1992 йил 10 июнда бошланади.

ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: 702145, Тошкент вилояти, Қибрай райони, «Красний водопад» алоқа бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
1992—93 ўқув йилига
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«Молия ва кредит», «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили», «Халқаро иқтисодий алоқалар», «Баҳони ташкил этиш».

Қирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳони топширадилар: математика (ёзма ва оғзаки), ўзбек (рус) тили ва адабиёти (иншо), чет тили (фақат кундузги бўлимга кирувчилар учун). Ўзбек (рус) тили ва адабиёти (иншо), математика фанларидан имтиҳонлар танлови бўлиб, беш баллик тизим бўйича баҳоланади, чет тилидан имтиҳон «ўтди» ва «ўтмади» тарзида икки балли баҳо билан белгиланади.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ректор номига ариза, ўрта ёки олий маълумоти ҳақида ҳужжат асли), соғлиги тўғрисида 086/У шаклидаги маълумотнома, 3х4 см. катталикда 6 дона фотосурат, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кираётганлар қайд этилган ҳужжатларга қўшимча равишда иш жойидан маълумотнома (меҳнат фаолиятига эга бўлганлар эса — меҳнат дафтарчасидан кўчирма) топширадилар.

Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Институт комиссияси ўз фаолиятини «1992 йил Ўзбекистон республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари»га мувофиқ амалга оширади.

Ҳужжатлар сиртқи бўлимга 1992 йил 1 июндан 4 июлгача, кундузги бўлимга 1992 йил 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилиш муддати 22 августгача.

Имтиҳонлар сиртқи бўлимга кирувчилар учун 6 июлдан, кундузги бўлимга кирувчилар учун 1 августдан бошланади.

Институт манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 18-уй.

Ахборот учун телефонлар: 45-34-41, 45-34-42, 76-91-52.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

М. Уйғур номидаги Тошкент санъат олий билимгоҳи раҳбарияти ва жамоаси театр куллиётининг декани, доцент

Икром Исмоилович РАҲИМЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат юридик институтининг жамоаси институт давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси доценти

Марҳаматхон ТОҲИБОЕВАнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига, қариндошларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—128.

№ 89.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.